


А. АБДУЛЛАЕВ, Н. УМАРОВ

# МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР СТАТИСТИКАСИ



"МОЛИЯ"

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А. АБДУЛЛАЕВ, Н. УМАРОВ**

**МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ  
ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ  
КЎРСАТКИЧЛАР СТАТИСТИКАСИ**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2001**

**А. Абдуллаев, Н. Умаров.** Миллий ҳисоблар тизими ва макроиқтисодий кўрсаткичлар статистикаси. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2001 йил. 92 б.

Мазкур ўқув қўлланма мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор муносабатлари тамойиллари асосида, давр талабидан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодиётига миллий ҳисоблар тизимини тадбиқ қилиниши туфайли статистика, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисобнинг бошқа соҳаларидаги ислохотлар, жузъий ўзгаришлар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Ушбу қўлланмани яратилишига туртки бўлган нарса Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида замон талабларига мос даражада ёзилган дарсликлар, рисоалар ва ўқув қўлланмаларининг ўта тақчиллиги, аynиқса, барча иқтисодий мутахассисликлар учун зарур бўлган «Миллий ҳисоблар тизими» ҳамда ушбу тизимни ўзида мужассамлаштирган статистика дарсликларини етишмаётганлиги бўлди. Қўлланмада миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти, вазифалари, таркибий қисмлари, шунингдек, натижавий макроиқтисодий кўрсаткичлар саналмиш ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, ялпи миллий даромад, соф миллий даромад ва бошқалар бозор талабларига риоя қилинган ҳолда халқаро андозалар бўйича ҳисобланиш тартиблари кўрсатилди. Шу боис, Сизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола барча Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коллежларнинг иқтисодий мутахассисликлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан профессор-ўқитувчилар, шунингдек, «Молия», «Солиқ», «Банк», «Аудит», «Статистика» соҳасида ишлаётган раҳбар ходимлар, етакчи мутахассислар, «Халқаро маркетинг», «Менежмент», «Бизнес» соҳаларида ишлаётганлар фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланма мазмунини янада бойитиш юзасидан бўладиган таклиф ва мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

Ташкил қилувчи: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, и.ф.д., профессор Ё. Абдуллаев

Ўқув кўрсаткичи: фан факультети фанлари номзоди, доцент И. Насриддинов



© Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. «Молия» нашриёти, 2001 й.

# **I БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ (МҲТ), УНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ**

## **1.1. Миллий ҳисоблар тизими ва унинг мазмуни**

Миллий ҳисоб тизими (МҲТ) — оператив техника, бухгалтерия ҳисоби ва статистикани ўз ичига олган бозор иқтисодиётига хос миллий ҳисоб бўлиб, у иқтисодий фаолият натижаларини баланс жадваллари ва ҳисоб юргизишнинг алоҳида шакли сифатида макродаражада яқунланадиган, бир-бирлари билан боғланган статистик кўрсаткичларни ҳамда миллий ҳўжаликнинг муҳим алоқалари, иқтисодиётнинг таркибини ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) — иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини бир-бирлари билан боғлиқлигини атрофлича тавсифловчи баланс усулидир.

У иқтисодиёт ҳаракагининг умумий ҳолатини бир-бирларини тўлдирувчи ахборотлар ёрдамида ифодаловчи ва барча ҳисоб турларини таққосланувчанлигини таъминловчи ягона услубиятдир.

Шунингдек, миллий ҳисоб тизими ўзаро боғланган статистик таснифлар ҳамда кўрсаткичлар тизими сифатида ҳам кўрилади.

Миллий ҳисобчиликка асосланган мазкур тизим, турли мулк шаклларига мансуб бўлган институционал birlikлар ва ҳўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, молиявий ва номолиявий, моддий ҳамда номоддий активлар операцияларига доир фаолият турларини қамраб олади.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқаришни турли босқичларда ҳаракатланишини умумлаштирувчи макроиқтисодий кўрсаткичлари тизими — мамлакат миллий ҳисобчилигига асос қилиб олиниб, бунда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, даромадларни шаклланиши, тақсимоти, қайта тақсимоти ва пировард фойдаланиши (оқимлар ҳисоблари орқали), турли активларнинг ялпи жамғариш учун фойдаланилиши (жамғариш ҳисоблари орқали), ташқи иқтисодий алоқалар («ташқи олам» ҳисоби орқали) ифода этилади.

Шундай қилиб, миллий ҳисоб тизими — иқтисодиётнинг ўзига хос модели бўлиб, у мамлакат, унинг ҳудудлари, секторлари, яъни бўлимларининг иқтисодий фаолиятини ўзаро боғланган баланслар (ёки ҳисоблар) асосида комплекс тадқиқ этишда қўлланилади. Бу тизим бозор иқтисодиётининг статистик бошқарилишида, самарадорликни баҳолашда, истиқболни ба-шорат қилишда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг қўлланилади. Мамлакатимиз статистикаси амалиётида макроиқтисодий жараёнлар, уларнинг натижаларини халқ хўжалик баланслари ёрдамида тавсифлаш бўйича катта тажриба мавжуд. Аммо халқ хўжалиги баланси билан миллий ҳисоблар тизимининг шаклланиши ўртасида жиддий тафовутлар ҳам йўқ эмас.

Бу икки тизимни мукамал таҳлил қилиш орқалигина миллий ҳисоб тизимига эътибор бериш маъқул, деган хулоса қилинади. Бунинг боиси шуки, миллий ҳисоб тизими бозор иқтисодиёти шароитида унинг барча жабҳаларини мукамал тавсифлаб, жаҳон андозаларига мос даражада бўлган кўрсаткичларни шакллантира оладиган тизим деб қаралади.

Моддий неъматларнинг такрор ишлаб чиқарилиши учун миқдорий жиҳатдан ёндашишга асосланган халқ хўжалик балансидан фарқли ўлароқ, миллий ҳисоблар тизими — иқтисодиётнинг секторларидаги даромадлар ҳамда харажатлар тўпламини баланслашини таъминловчи доиравий ҳаракат концепциясини шаклланишига хизмат қилади. Моддий неъматлар ҳамда хизматлар яратилиш борасидаги такрор ишлаб чиқарилиш жараёни мукамал ўрганилар экан, миллий ҳисоблар тизими уни тавсифлашда асосий эътиборни молиявий жабҳаларига қаратади.

Миллий ҳисоблар — макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими бўйича кенг ва ўзаро боғланган ахборотлар олишни таъмин этиш билан бирга иқтисодий жараёнлар таҳлилинини амалга оширишда ҳам ахборотлар тизими мавқеини кескин кўтарди. Миллий ҳисоблар тизими услубияти эса иқтисодий ишлаб чиқариш чегараларини белгилаш орқали товарлар, хизматлар ҳамда даромадлар оқимини умумлашган кўринишда тавсифловчи макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларини ифода этади.

Бу ҳолат миллий ҳисоб тизимининг иқтисодий жараёнларни макродаражада иқтисодий-статистик кўрсаткичлар билан

боғлай оладиган дунёдаги энг мукаммал ахборот тизими сифатида тан олиншига асос бўлади.

Миллий ҳисоблар тизими ўз таркибига жорий баҳоларда ифодаланган қуйидаги асосий бирлашган ҳисобларни киритади:

1. Ички иқтисодий ҳисоблари:

а) маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ҳисоби.

б) даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши ҳисоби.

Жумладан:

— даромадларнинг шаклланиши ҳисоби;

— даромадларини бирламчи тақсимоти ҳисоби;

— даромадларни иккиламчи тақсимоти ҳисоби;

— даромадларни натура шаклида қайта тақсимланиши ҳисоби;

— даромадлар тақсимотининг йиғма ҳисоби.

в) даромадлардан фойдаланиш ҳисоби:

Жумладан:

— ялпи кўзланган даромаддан фойдаланиш ҳисоби;

— йўналиши ўзгартирилган мўлжалдаги даромаддан

фойдаланиш ҳисоби.

г) жамғариш ҳисоблари:

Жумладан:

— капитал операциялар (капитал харажатлар) ҳисоби;

— молиявий ҳисоб.

д) товар ва хизматлар ҳисоби.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳисоблари («ташқи олам» ҳисоби):

Жумладан:

— жорий операциялар кичик ҳисоби;

— капитал харажатлар кичик ҳисоби;

Тизимга киритилган ҳар бир ҳисоб маълум даражадаги ҳисоблашлар орқали баланслаштирилган моддалар бўйича у ёки бу ресурсларни ҳажми билан ундан фойдаланиш ўртасидаги мувозанат (баланс)ни кўрсатади. Бундан аниқланишига қараб баланслаштирилган ҳисоблар мустаснодир.

Ўрганилаётган иқтисодий жараёнларнинг натижаларини тавсифлашда ҳар бир ҳисобнинг баланслаштириладиган моддаси алоҳида аҳамият касб этиб, ҳар бир олдинги ҳисобнинг кейинги ҳисоб билан қай даражада боғлаш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий таҳлилда баланслаштирилган моддаларнинг ҳар бири муҳим ҳисобланиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар натижасини ифода этувчи тизим сифатида тасаввур этилади.

Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш циклининг тегишли босқичлари бўйича маълум тартиб асосида тузилган ва ҳисобларга бирлаштирилган кўрсаткичлар системаси орқали иқтисодий жараёнлар ва иқтисодиётнинг амал қилиши натижаларини миқдорий тавсифига эришилади.

Умуман иқтисодиёт учун барча ҳисобларни тузиш (юрйтиш) кўзда тутилади. Улар йиғма ҳисобларни шакллантириб бир томондан – мамлакат иқтисодиёти ва «ташқи олам» ўртасидаги муносабатларни акс эттирса, бошқа томондан эса иқтисодиёт ички секторлари ўртасидаги муносабатларни ва тизимининг турли кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғланиши акс эттиради.

Иқтисодиётни ҳар бир ички сектори учун маълум ҳисоблардан фойдаланиш кўзда тутилади. Ҳисобларнинг тизим сифатида тасаввур қилишнинг боиси – биринчидан, улар ўзаро боғлангандир, иккинчидан, ягона принцип (шартлар) бўйича тузилганлиги, учинчидан, ягона услубий шартлар бўйича ҳисобланган ўзаро алоқадаги кўрсаткичлар тизимини юзага келишидир.

Институционал бирликлар ўртасидаги қиймат оқимлари бўйича операциялар ушбу ҳисоблардаги кўрсаткичларда ифода этилади.

Такрор ишлаб чиқариш цикли (жараёни) босқичларига нисбатан операциялар: ишлаб чиқариш, тақсимот, ўзаро алмашиш ҳамда истеъмол ва жамғариш кабиларни акс эттирувчи операцияларга бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб миллий ҳисоблар тизими, маҳсулот ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш циклини барча босқичлар орқали ишлаб чиқаришдан то пировард истеъмол ва жамғаришгача бўлган айланма ҳаракатини акс эттиради.

Бу тизим миллий бойликни ўрганилаётган жорий даврдаги якуний ўзгаришини акс эттирувчи ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлардан фойдаланиш бўйича тармоқлараро баланснинг тузилиши таъминлайди.

## **1.2. Миллий ҳисоб тизимини шакллантиришдаги умумий шартлар (принциплар)**

Миллий ҳисобларни тузишда қуйидаги асосий шартлар (принциплар)га риоя қилинади:

1. Ҳисоблар (счётлар)ни ҳосил қилишда бухгалтерия ҳисоби қоидаларига биноан иккиёқлама ёзув тартиби қўлланилиб, миллий ҳисоб тизимидаги ҳар бир операция бир марта

ҳисобнинг «фойдаланиш» қисмида иккинчи марта эса ҳисобнинг «ресурс» (яъни манбаа) қисмида қайд этилади.

Бу тартиб орқали бухгалтерия ҳисоби қондасидаги бир ҳисобни дебети, иккинчи ҳисобни кредитига ёзилиши ёдга туширилади. Шундай қилиб бир-бирларига боғланувчи яъни корреспонденцияланувчи ҳисобларни қайд этилиши амалга оширилади.

2. Ҳисоблар «Т» шакли кўринишида бўлиб икки қисм ва икки бўлимдан яъни манбаа шаклланишига сабаб бўлувчи компонентлар (таркибий қисмлари) ҳисобнинг ўнг томонида «Манбалар» қисмида, бу манбааларнинг сарфланиши яъни улардан фойдаланишини акс эттирувчи компонентлар эса ҳисобни чап томонида фойдаланиш қисмида қайд этилади.

3. Юқоридаги бўлимларда таъкидлангани каби такрор ишлаб чиқариш цикли бўйича белгиланган тартибга биноан миллий ҳисобларни тузишда кетма-кетлик қондасига итоат қилинади.

4. Ҳисоблар иқтисодий оқимларнинг баланс шаклидаги тасвиридир.

Улар ёрдамида иқтисодий агентлар фаолиятларини амалга оширилиши операциялар тизими сифатида тавсифланади.

5. Икки ёқлама ёзув қондасига асосан ҳисобларнинг ресурс ва фойдаланиш қисмлари бўйича операциялар натижалари баланслаштирилгани ёки бўлмаса баланслаштириладиган моддалар иқтисодий таҳлилда фойдаланилиб, бир ҳисобдан иккинчи ҳисобга ўтиш учун хизмат қилади. Ана шуларни назарда тутиб миллий ҳисоблар тизимини баланс усули сифатида ҳам қаралади.

6. Илгариги ҳисобнинг «Фойдаланиш» қисмидаги баланслаштириладиган моддалар иккинчи ҳисобнинг «Ресурс» қисми учун инобатга олишда қўлланиладиган кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Шу аснода ҳисоблар ўртасидаги боғланиш ва уларни тизимга айлантиришга эришилади.

7. Баланслаштириладиган моддалар операцияларгина эмас, балки ҳисоблаш тоифалари (босқичлари) сифатида ҳам тасаввур этилиб, ҳар бир ҳисобдан ресурсларни ҳажми ва фойдаланишлари ўртасидан маълум мувозанатни, ҳамда иқтисодий тараққиётнинг тегишли иқтисодий жараёнларини тавсифловчи энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар сифатида ҳам тушунилади.

Масалан «Ишлаб чиқариш» ҳисобининг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий фаолият натижасини акс эттирадиган баланслаштирувчи моддаси бўлиб ялпи ички маҳсулот ҳисобланади (иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ёки сектори учун ялпи қўшимча қиймат). Бу кўрсаткич ҳисобнинг ўнг томонида



кўрсатилган «ресурслар» ҳажми билан чап томонида жойлашган «фойдаланиш» ўртасидаги тафовутни акс эттиради.

Куйидаги жадвалда ички иқтисодиётнинг йиғма ҳисобларини баланслаштирувчи моддалар акс эттирилган.

*1-жадвал*

### Ҳисобларнинг балансловчи моддалар

Ҳисоб	Балансловчи моддалар
Ишлаб чиқариш	Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат)
Даромадларнинг шаклланиши	Ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад
Дастлабки даромадларнинг тақсимланиши	Ялпи миллий даромад (дастлабки даромадлар сальдоси)
Даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши	Ялпи миллий кўзланган даромад (ялпи кўзланган даромад)
Даромадлардан фойдаланиш	Ялпи миллий жамғариш (ялпи жамғариш)
Капитал операциялар ҳисоби	Соф кредитлаш (+), соф қарз олиб туриш (-)

Барча ҳисобларни тузишдаги принциплар (қоидалар)нинг яқдиллиги аввало асосий бирликлар яъни секторларнинг ўзаро боғланган синфларга бўлиш тизимида намоён бўлиб, у мамлакат иқтисодиёти қай даражада ҳаракат қилаётганини акс эттириш учун барча иқтисодий жараёнларнинг йиғма миқдорий тавсифини таъминлаши лозим.

Миллий ҳисобчиликнинг асосий услубий қоидалари шундан иборатки, у миллий ҳисоблар тизими базасида (негизида) иқтисодиётдаги ҳақиқий вазиятга тавсия олишни, олинаётган аҳборот (маълумот)ларни эса халқаро даражада таққосланувчанлигини таъминлашни талаб этади. Республикада миллий ҳисоблар тизими тўғрисидаги маълумотлар, балансловчи моддаларнинг ҳисобланиш услуби, ҳисобларнинг таркиби, уларнинг мазмуни, тузишдаги тартиб куйидаги жадвал ёрдамида кўрсатилади (1998 йил учун жорий баҳоларда млрд. сўм).

Фойдаланиш	Ресурслар	Балансловчи моддалар- ни ҳисоблаш усули
<b>1. Ишлаб чиқариш ҳисоби</b>		
Оралиқ истеъмол Ялпи ички маҳсулот, бозор нархларида 2684,6	Ишлаб чиқариш, асосий баҳоларда, 4618,7 Маҳсулотга солиқлар 305,3 Субсидиялар 91,0	$4618,7 + 305,3 - 91,0 - 2148,4 = 2684,6$ Ялпи ички маҳсулот, бозор нархларида – 2684,6
<b>2. Даромадларнинг шаклланиш ҳисоби</b>		
Меҳнат ҳақи 1323,4 Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар 492,7 Ялпи фойда – 965,2	Ялпи ички маҳсулот, бозор нархларида 2684,6 Ишлаб чиқаришга ва импортга субсидиялар 96,7	$2684,6 + 96,7 - 1323,4 - 492,7 = 965,2$ Ялпи фойда (ялпи аראлаш даромад)
<b>3. Дастлабки даромадларни тақсимланиш ҳисоби</b>		
Мулкдан олинган ва «ташқи олам»га берилган даромадлар 144,7 Дастлабки даромадлар салдоси (ялпи миллий даромад) 2569,2	Ялпи фойда – 965,2 Меҳнат ҳақи – 1323,4 Ишлаб чиқаришга ва импортга соф солиқлар – 396,0 «Ташқи олам»дан олинган мулкдан даромадлар – 29,3	$965,2 + 1323,4 + 492,7 - 96,7 + 29,3 - 144,7 = 2569,2$ Дастлабки даромадлар салдоси (ялпи миллий даромад)
<b>4. Даромадларнинг иккиламчи тақсимланиш ҳисоби</b>		
«Ташқи олам»га берилган жорий трансфертлар Ялпи миллий кўзланган даромад 2566,6	Дастлабки даромадлар салдоси (ялпи миллий даромад) 2569,2 «Ташқи олам»дан олинган жорий трансфертлар - 1,8	$2569,2 + 1,8 - 4,4 = 2566,6$ Ялпи миллий кўзланган даромад
<b>5. Ялпи кўзланган миллий даромаддан фойдаланиш ҳисоби</b>		
Пировард истеъмолга сарфлар 2048,3 Шу жумладан уй	Ялпи миллий кўзланган даромад 2566,6	$2566,6 - 2048,3 = 518,3$ Ялпи миллий жамғариш

Фойдаланиш	Ресурслар	Балансловчи моддалар-ни ҳисоблаш усули
<p>хўжаликларига 1507,3 Давлат муассасала- рига 486,0 Уй хўжалигига хиз- мат қилувчи ноти- жорат ташкилотла- ри 55,0</p> <p><b>Ялпи миллий жамғариш 518,3</b></p>	<p>«Ташқи олам»дан олин- ган жорий трансфертлар - 1,8</p>	
<b>6. Капитал билан операциялар ҳисоби</b>		
<p>«Ташқи олам»га бе- рилган капитал трансфертлар-19,5 асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши 471,7 ғамламалар ўзгариши 33,7</p> <p><b>Соф кредитлаш (+) ёки соф қарз олиб туриш (-) 76,7</b></p>	<p><b>Ялпи миллий жамғариш 518,3</b></p> <p>«Ташқи олам»дан олин- ган капитал трансферт- лар-15,9</p>	<p><math>518,3+15,9-19,5-471,7-(-33,7)=76,7</math> Соф кредитлаш (+), ёки соф қарз олиб ту- риш (-)</p>
<b>7. Молиявий ҳисоб</b>		
<p>Сотиб олинган мо- лиявий активлар</p>	<p><b>Соф кредитлаш 76,7</b></p> <p>Қабул қилинган молия- вий мажбуриятлар</p>	

### 1.3. Миллий ҳисоблар тизимида ички иқтисодиётнинг йиғма ҳисоблари

Ҳар бир ҳисоб иқтисодий фаолиятнинг тегишли жараёнини акс эттиради. Ҳисоблар тизимида ресурсларнинг бошланғич шаклланиши, даромадлар ҳаракати, улардан фойдаланиш ҳамда иқтисодий фаолиятнинг якуний молиявий натижалари ўртасидаги боғлиқлик акс эттирилади.

Ҳисобларни **жорий операциялар** ва **жамғариш ҳисобларига** бўлиш мумкин. Жумладан, жорий операциялар ҳисобига жорий йилда операцияларни тўлиқ якунланишини ифода этадиган: ишлаб чиқариш ҳисоби, даромадларни шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш ҳисоблари киритилади. Жамғариш ҳисобларига эса капитал билан операциялар, молиявий ҳисоблар, активлар ва пасивлар баланслари киритилади.

Бир қатор ҳисоблар ишлаб чиқариш ҳисобидан бошланади. Ишлаб чиқариш натижаси деганда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш тушунилади.

Ишлаб чиқариш билан оралиқ истеъмоли ўртасидаги фарқ қўшилган қиймат деб аталиб, ишлаб чиқариш жараёни туфайли иқтисодиётда ҳосил қилинган дастлабки даромадлар суммаси (қийматлари йиғиндиси)ни билдиради.

Даромадлар ҳисоби эса ҳисоблар тизимида марказий саналиб, ишлаб чиқариш натижаларини капиталнинг таркиб топиши, молиявий активлар ва пасивларнинг ўзгаришлари билан боғлайди.

Юқорида таъкидланганидек, даромадлар ҳисоблари уч гуруҳга бўлинади. Бундай бўлинишнинг боиси, даромадларнинг доиравий айланиши уч босқичдан иборатлиги: яъни унинг ташкил топиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши ҳамда истеъмол ва жамғариш учун ишлатилишидир.

Бу хилдаги барча жараёнлар фақат тўлиқ иқтисодиёт учунгина ўрганилиб қолмасдан балки институционал секторлар бўйича ҳам ўрганилади.

Биринчи гуруҳдаги даромадлар, ҳисобнинг вазифалари: кенг доирада талқин қилинадиган ва ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган барча даромадларни ажратишдан айнакча ялпи қўшилган қиймат — ички иқтисодиёт таркибида бўлган даромадлар йиғиндиси сифатида қаралиб, у ишлаб чиқариш омиллари ҳақини тўлаш, давлат даромади ҳисобидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларга солиқларни ҳам қўшиб ҳисоблашдан иборатдир.

Дастлабки ҳисоб яъни даромадларнинг шаклланиши ҳисоби уч қисмга бўлинади. Бу ерда **ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи** ёки **меҳнат даромадлари**, **ишлаб чиқаришга солиқлар** ҳамда **фойда** ёки уй хўжаликлари бўйича **аралаш даромадлар** сифатида намоён бўладиган қийматлар ва бошқа омилли даромадларни йиғиндиси тушунилади.

Биринчи гуруҳ бўйича навбатдаги ҳисоб-даромадларнинг тақсимоти ва қайта тақсимоти ҳисоби, бошқа турдаги омилли даро-

мадлар: мулкдан даромадларни (фоизлар, дивидендлар, ренталар, қайта тақсимланган фойда ва ҳ.к.) ажратади. Дастлабки даромадлар салдоси-мазкур ҳисобнинг балансловчи моддасини келтириб чиқарувчи ва биринчи гуруҳдаги ҳисобларнинг асосий якуни сифатида институционал секторлар бўйича келтирилган омилларга асосан ялпи қўшилган қийматни тақсимотини ифодалайди. Бу ҳисобда уч гуруҳдаги ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги бевосита ва билвосита қатнашуvidан ҳосил бўлган дастлабки даромадлари акс эттирилади. Булар:

1) аҳоли бўйича ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақлари, мулкдан даромадлар, тадбиркорлик асосидаги аралаш даромад:

2) корхона ва ташкилотлар бўйича фойда;

3) давлат қўламида — ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар.

Бу ерда «**Ташқи олам**» сектори ҳам ўзининг дастлабки даромадлари салдосини ҳисоблайди.

**Даромадларнинг иккиламчи тақсимооти ҳисоби** — дастлабки даромадларни такрорий тақсимотини кўрсатиш орқали давлатнинг жорий ижтимоий-иқтисодий сиёсати туфайли турли трансфертларнинг дастлабки даромадлар салдосини ўзгаришига таъсир этиши ва шунингдек кўзланган даромадни ташкил топишини ифода этади.

Даромадлар ҳисоби гуруҳини **даромадлардан фойдаланиш ҳисоби** яқунлайди. Бу ҳисоб уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари, давлат бошқарув идоралари ҳамда уй хўжаликлари ихтиёридаги истеъмол ва жамғариш мақсадларига ишлатиладиган даромад ҳиссасини таърифлайди. Миллий хўжаликнинг бошқа секторларида кўзланган (ёки ихтиёрдаги) даромад жамғаришга тенглаштирилади (фақат пенсия фондлари ва суғурта компанияларида айрим тузатишлар учраши мумкин).

**Истеъмол** билан **жамғариш** ўртасидаги нисбат иқтисодиётнинг тараққиётини тавсифлашда ўта муҳимдир. Бу борада пировард истеъмолни қилинган харажат сифатида тушунилиб, ҳақиқий истеъмолдан фарқи ажратилади. Натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар такрорий тақсимланишига киритилган ўзгаришлар (тузатишлар) давлатнинг бошқарув идоралари ва нотижорат ташкилотлари томонидан якка хўжаликлар фойдасига қилинган харажатлар миқдорини аниқлаш имконини беради. Кўзланган даромадга киритилган тузатиш, натура шаклида даромадларини қайта тақсимлаш ҳисобига ёзиш мақсадида амалга оширилади. Ҳақиқий истеъмол, шу жумладан якка тартибдаги (уй хўжаликлари бўйича)

ва жамоат (давлатнинг бошқарув идоралари бўйича) даромадларини сўнги ҳисобида яъни **ўзгартирилган мўлжалдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобида** қайд этилади.

**Капитал билан операциялар ҳисоби** — ялпи миллий жамғаришни моддий ва номоддий активларнинг ўсишига ишлатилишини акс эттириши билан бир қаторда, жамғариш — жами иқтисодиёт учун капитал қўйилмаларга ёки янги асосий капитални ялпи жамғарилишига ва моддий оборот маблағлар захираларини ўзгартиришига олиб келишини ифодалайди.

**Молиявий ҳисоб** — соф кредитлар ёки соф қарзларни, молиявий активларни барпо қилиниши ёки тугатилишига қай даражада таъсир этишини кўрсатади.

Бу ҳисобда якуний балансловчи моддалар мавжуд эмас. Одатда молиявий активларнинг соф шаклланиши молиявий мажбуриятларнинг соф шаклланишига тенглаштирилади. Шундай қилиб, **ишлаб чиқариш ҳисобидаги** ишлаб чиқариш фаолиятига доир **барча операциялар занжири** якунланади.

**Товарлар ва хизматлар ҳисоби** ўзига хос йиғма жадвал кўринишига эга. Барча ҳисоблар каби бу ҳисоб ҳам икки қисмдан, яъни ресурс ва фойдаланиш қисмлардан ташкил топсада, унинг барча моддалари бошқа ҳисоблардан ўтказилган. Ресурсларнинг умумий ҳажми маҳсулот, хизматлар ишлаб чиқарилиши ва импортдан ташкил топса, фойдаланиши қисмида эса оралиқ ва пировард истеъмол, асосий ва айланма капиталнинг жамғарилиши ҳамда экспортни истеъмолга ишлатилиши тавсифланади. Бу ҳисоб-аниқланиши бўйича балансланганлиги туфайли балансловчи моддаларга эга эмас.

#### **1.4. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий натижалар кўрсаткичлари тизими**

Тизим деб бир-бирлари билан ўзаро боғланган кўрсаткичлар тўплами тушунилиб, тадқиқот мақсадига эришиш учун йўналтирилган ягона услубий қоидалар асосида ҳисобланган кўрсаткичларга айтилади. Бунга мисол қилиб иқтисодий фаолият натижаларини тавсифлашга қаратилган кўрсаткичларни келтириш мумкин.

**Иқтисодий фаолият кўрсаткичлари ва миллий ҳисоблар тизимида уларни ҳисоблаш усули**

№	Кўрсаткичлар	Шартли ишоралар	Ҳисоблаш тартиби
1	2	3	4
1	Чиқариш (ишлаб чиқариш)	Ч	$Ч=Ч(М) + Ч(Х)$
2	Оралиқ истеъмол	ОИ	
3	Ялпи кўшилган қиймат	ЯКК	$ЯКК=Ч-ОИ+МСС+ИСС$
4	Ялпи ички маҳсулот	ЯИМ	$ЯИМ=ΣЯКК_ΣЧ-ΣОИ+ΣМСС+ΣИСС=ΣЯКК_Т=ΣЯКК_С$
5	Кўшилган қийматга солиқ	ҚҚС	
6	Импортга соф солиқлар	ИСС	
7	Маҳсулотларга соф солиқлар	МСС	
8	Сўнги истеъмол	СИ	$СИ=ЯКМД-ЯМЖ$
9	Соф ички маҳсулот	СИМ	$СИМ=ЯИМ-АКИ$
10	Миллий даромад	МД	$МД=ДД+ОДС$
11	Асосий капиталнинг истеъмоли	АКИ	
12	Дастлабки даромадлар	ДД	
13	Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси шундан: — тармоқларнинг — секторларнинг	ИЯФ ИЯФ <sub>Т</sub> ИЯФ <sub>С</sub>	$ИЯФ=ΣЯФ_Т=ΣЯФ_С=ЯИМ-МХ_1-МСС-ИСС$ $ИЯФ_Т=ИСС_Т+АКИ_Т$ $ИЯФ_С=ИСС_С+АКИ_С$
14	Иқтисодиётнинг соф фойдаси	ИСФ	$ИСФ=(Ч-ОИ)-(ИХ+СС)$
15	Кўзланган миллий даромад	КМД	$КМД=ЯКМД+СЖТ$
16	Ялпи кўзланган миллий даромад	ЯКМД	$ЯКМД=ΣЯКД=ЯМЖ+СИ$
17	Соф кўзланган миллий даромад	СКМД	$СКМД=ЯКМД-АКИ$
18	Секторнинг ялпи кўзланган даромади	ЯКДС	
19	Ялпи миллий жамғариш	ЯМЖ	$ЯМЖ=ЯКМД-СИ$
20	Хориждан соф жорий трансфертлари	СЖТ	
21	«Ташқи олам» билан омилли (дастлабки) даромадлар салдоси	ОДС	
22	Елланган ходимларнинг меҳнат ҳақи	ИХ	/
23	Ишлаб чиқаришга соф соликлар	ИСС	

**Ялпи ички маҳсулот** мазкур мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича маълум муддат ичида яратилган маҳсулотлар ва хизматлар қийматининг оралиқ истеъмол қийматидан ташқари қисмини ифодалайди. Бу кўрсаткич иқтисодий натижалар кўрсаткичлари тизимида моддий ишлаб чиқариш ҳамда номоддий хизматлар сферасидаги фаолиятларни у ёки бу давр учун яқуний натижасини тавсифлашда энг асосийси ҳисобланади.

Макроиқтисодиёт даражасидаги иқтисодий фаолиятларнинг кўрсаткичлар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Чиқариш ёки ишлаб чиқариш (Ч);
- Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ);
- Соф ички маҳсулот (СИМ);
- Миллий даромад (МД);
- Ялпи кўзланган миллий даромад (ЯКМД);
- Соф кўзланган миллий даромад (СКМД);
- Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ИЯФ);
- Иқтисодиётнинг соф фойдаси (ИСФ);
- Ялпи миллий жамғариш (ЯМЖ);
- Соф миллий жамғариш (СМЖ).

Миллий ҳисоб тизимининг макроаражадаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари мутаносиб равишда тармоқлар ва секторлар даражасидаги кўрсаткичларни ҳам аниқлашни тақозо этиб, уларнинг таркибида қуйидагилар ҳисобланади:

- Чиқариш (Ч);
- Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ);
- Соф қўшилган қиймат (СҚҚ);
- Ялпи фойда (ЯФ);
- Соф фойда (СФ);
- Соф аралаш даромад (САД);
- Тадбиркорлик даромади (ТД) ва бошқалар.

**Дастлабки даромадларга** ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолиятида бевосита ва билвосита қатнашган даромадлар; жумладан: меҳнат ҳақи, фойда, ишлаб чиқаришга солиқлар, мулкдан даромадлар (фоиз, дивиденд, рента ва бошқалар) киритилади.

**Мулкдан даромадлар** ўз таркибига молиявий активлардан, ерлардан ва бошқа номолиявий ноишлаб чиқариш активлари (ер ости ва бошқа табиий активлар, патентлар, лицензиялар ва ҳоказолар)дан фойдаланиш имкониятларига эга бўлганлиги туфайли институционал бирликлар томонидан олинган ёки тўланган даромадларни киритади.



**Ялпи фойда** - кўшилган қийматнинг ишлаб чиқарувчиларни ёлланма меҳнатига иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга соф солиқлар каби сарфларни чегириб ташлагандан сўнг ишлаб чиқарувчи ихтиёрида қолган қисмига айтилади. Бу модда-мулкдан даромадлар ҳисобини олгунга қадар ҳисобланиб ишлаб чиқаришдан олинган фойда (ёки зарар)ни ифодалайди.

**Иқтисодиётнинг соф фойдаси** иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ИЯФ) ва асосий капиталнинг истеъмоли (АКИ) ўртасидаги фарқ сифатида макроиқтисодий фойда кўрсаткичидир.  $ИСФ=ИЯФ-АКИ$ .

Уй хўжаликларига қарашли ширкат бўлмаган корхоналар учун хўжалик аъзолари ҳақ талаб этмайдиган меҳнат сарфларини бажарган тақдирда, тадбиркор ёки уй эгасининг бажарган иши рағбатнинг бирор элементи сифатидаги даромад деб қаралади ва уни кўп ҳолларда аралаш даромадлар дейилади.

**Асосий капиталнинг истеъмоли** деб — жисмоний, маънавий ҳамда тасодифий шикастланиш орқали асосий воситаларнинг эскириши, тузиши ҳисобига асосий капитал қийматининг камайиши тушунилади. Юқорида зикр этилган усуллардан ташқари, **иқтисодиётнинг соф фойдаси** деганда — **ялпи кўшилган қиймат** (Яққ) билан **меҳнат (иш) ҳақи** (Их) ҳамда ишлаб чиқаришга соф солиқлар (ИСС), асосий капитал истеъмоли (АКИ) ўртасидаги фарқ тушунилади.

$$ИСФ=(Ч-ОИ)-(Их+ИСС+АКИ)$$

**Кўзланган даромад** эса институционал бирликнинг сўнгги (пировард) истеъмоли ва жамғариш учун ихтиёрда бўлган даромади тушунилади. Унинг ҳажми дастлабки (бирламчи) даромадлар салдоси — жорий трансфертлар тариқасида берилган даромадларнинг кўшилмасига тенг. Барча институционал бирликлар — резидентларнинг ихтиёридаги даромадлар йиғиндиси — ялпи кўзланган миллий даромаднинг ҳажмига тенгдир.

Шу боис, кўзланган миллий даромад (КМД) — бозор нархларида соф миллий даромадга хориждан соф жорий трансфертларни кўшиб ҳисоблаш орқали ҳосил бўлади. Соф жорий трансфертлар таркибига турли совғалар, инъомлар, эҳсонлар, инсонийлик ёрдами ва бошқалар киритилади.

## КМД=СМД+СЖТ

**Кўзланган миллий даромад** — резидентларнинг пировард истеъмолга ёки жамғаришга ишлатиш учун мўлжалланган даромадларининг йигиндисига тенг. Пировард истеъмол сарфларига уй хўжаликлари томонидан амалга оширилган товарлар ва хизматлар хариди киритилади. Бунга уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи давлат бошқарув идоралари ва нотижорат, нодавлат ташкилотларининг пировард истеъмолига молик сарфлари ҳам киритилади.

**Ялпи кўзланган миллий даромад (ЯКМД)** — бозор нархларида ифода этилган **ялпи ички маҳсулот**га тенг бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар, субсидиялар, меҳнат ҳақи, мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар киритилади. Бунга бахтсиз ҳодисалардан суғурта операциялари ва бошқа жорий трансфертлар бўйича миллий иқтисодиёт ҳамда «Ташқи олам» ўртасидаги соф салдо (+ ёки -) ҳам қўшилади.

Ялпи кўзланган миллий даромад миллатнинг пировард истеъмоли ва жамғариши учун ишлатиладиган ҳақиқий даромад саналиб, иқтисодиётнинг равнақи ва миллий бойликнинг кўпайтирилишида асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Миллий ҳисоблар тизимининг муҳим кўрсаткичлари билан ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад ва ялпи кўзланган миллий даромад ўртасидаги миқдорий боғланишлар қуйидаги шаклда намоён бўлади:

А. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ).

Б. Мазкур мамлакат резидентларининг хориждан олган дастлабки даромадлари яъни мулкдан даромадлар, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар.

В. Хорижга тўланган дастлабки даромадлар.

Г. Ялпи миллий даромад (ЯМД)=(А+Б-В)

**Соф кўзланган миллий даромад (СКМД)** — ялпи кўзланган миллий даромад (ЯКМД) билан асосий капиталнинг истеъмоли ўртасидаги фарқ

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Аxborot-resurs markazi

**Жамғариш (Ж)** — ялпи кўзланган миллий даромад (ЯКМД)нинг бир қисми бўлиб, у товарлар ва хизматларнинг пировард истеъмолига киритилмайди. Иқтисодий моҳиятига

кўра бу кўрсаткич статистика амалиётида қўлланиладиган «Жамғарилиш» кўрсаткичига тўғри келади.

**Жамғариш** иқтисодий тоифа яъни категория сифатида пировард истеъмолга қилинган харажатларни даромаднинг кўзланган чегиргандан сўнг қолган қисмини ифода этади. Бу кўрсаткич жорий даромадлар (ЖД) йиғиндиси билан жорий харажатлар (ЖХ) йиғиндиси ўртасидаги фарқни билдиради:

$$Ж = ЖД - ЖХ$$

**Жамғариш** капитал харажатлар: яъни капитал қурилиш, асосий фондларни сотиб олиш, номоддий активлар (патент, лицензиялар ва ҳ.к.) ҳамда молиявий активларнинг ўсишини молиялаштириш манбааси ҳисобланади. Унинг ҳажмига юқоридагилардан ташқари, хорижий суғурта ташкилотларида жойлаштирилган мамлакат уй хўжаликлари учун нафақа (пенсия) фондлари, суғурта ғамламалари билан мамлакат суғурта ташкилотларидаги хорижликларнинг суғурта ғамлама фондлари ўзгаришлари ўртасидаги тафовутлар ҳам киради.

**Жамғариш** иқтисодий натижаларнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ялпи жамғаришнинг мавжудлиги эса такрор ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирган тарзда кечаётганлигини ва ҳамма даромадлар ҳам истеъмолга сарфланавермаслигини билдиради. Унинг мавжудлиги мазкур йилда қилинган меҳнат натижасида миллий бойлик жамғаришини ортиб боришига имкон яратади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг элементи сифатида ялпи жамғариш (ёки жамғарилиш) ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

1. Асосий капитал(асосий фондлар)нинг жамғарилиши;
2. Моддий айланма (оборот) маблағлари захираларининг ўзгаришлари;
3. Нодир қийматликлар (заргарлик буюмлари, антиквариат суратлар ва бошқалар)нинг соф харид қилиниши;

**Нодир қийматликлар** — бу узоқ йиллар давомида ўз кадр-қийматини сақлай оладиган буюмлар, масалан, санъат асарлари, заргарлик буюмлари ва шу кабилардир.

**Ялпи жамғариш** (ёки жамғарилиш) резидентларнинг жорий даврдаги олган товарлари ва хизматлари (аммо истеъмолга эмас) ҳажмини билдиради. Бу кўрсаткич асосий капитал яъни

фондлар истеъмолини чегиргунга қадар аниқланиши зарурлигини яна бир бор таъкидлайди.

**Ялпи миллий жамғариш (ЯМЖ)** барча секторлардаги ялпи жамғаришлар йиғиндисига тенг.

$$\text{ЯМЖ} = \Sigma \text{ЯЖ}_C$$

**Соф миллий жамғариш (СМЖ)** эса ялпи миллий жамғариш билан асосий капитал яъни асосий фондларнинг истеъмоли ўртасидаги фарқга тенг.

$$\text{СМЖ} = \text{ЯММ} - \text{АКИ}$$

Миллий ҳисоблар тизимидаги қўлланилаётган янги услубларда нодир қийматликлар харидига харажатлар бўйича алоҳида модда яъни бу кўрсаткични ҳисоблаш ва илгари инobatга олинмаган нодир қийматликлар харидига харажатлар қўшилган.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичи ҳам муҳим ҳисобланиб, у ўз навбатида резидентлар ёки институционал бирликлар томонидан жорий даврда ишлаб чиқаришга ишлатишда фойдаланиш учун манбаа (даромад) сифатида асосий капитал объектига қўйилмаларни ифодалайди. Унинг таркиби қуйидаги унсурларни ўз ичига олади:

1. Чиқиб кетганларидан ташқари мавжуд асосий фондларнинг сақланиши ва янгиларини сотиб олиш;
2. Ишлаб чиқарилмаган моддий активларнинг яхшиланишига харажатлар;
3. Яратилмаган активлардан мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун сарфлар.

Ялпи жамғариш (ёки жамғарилиш) кўзланган даромадни истеъмол учун сарфлардан ортиқлигини ифодаласа ҳам уни мамлакат амалиётида **жамғармалар номи** билан аталаётган нақд пул миқдори ва **пул омонати** билан алмаштириш тавсия этилмайди. Амалда бундай ортиқчалик ёки ўсиш фақат активлар шаклининг ўзгариши, яъни акциялар, облигациялар, моддий активлар сотиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо буни миллий ҳисоблар тизимида тушуниладиган жамғаришга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Юқорида таъкидланганидек, ялпи жамғариш уч элементни, яъни асосий фондларнинг ялпи жамғарилиши (АФЯЖ), мод-

дий айланма маблағларнинг ўсиши (МАМУ) ва нодир қийматликларнинг соф хариди (НҚСХ)ни ўз ичига олади. Унинг харфий ифодаларда кўриниши қуйидагича:

$$YЖ = АФЯЖ + МАМУ + НҚСХ$$

Бу ерда **нодир қийматликларнинг соф хариди** — уларни сотиб олиш қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ кўринишида ифодаланади. Иқтисодиёт миқёсида умуман мавжуд нодир қийматликлар хариди ва сотилиши уларни ҳақиқий ҳажмига таъсир этмаган ҳолда бир-бирини текислаб боради. Ялпи жамғариш ҳажмини аниқлашда импорт қилинаётган нодир қийматликларни соф харид ҳажмлари ҳам инобатга олиниши зарур. Масалан Россия Федерацияси амалиётига тадбиқ қилинган Миллий ҳисоблар тизимида асосий фондларнинг ялпи жамғарилиши таркибини ўзгаришига қуйидаги моддалар таъсир этади:

- 1) Компьютерларга дастур воситалари хариди учун харажатлар;
- 2) Геологик қидирув ишларига харажатлар;
- 3) Адабий ва бадий асарларнинг асл нусхаси қиймати;
- 4) Мудофаа яъни ҳарбий эҳтиёжлар учун товарлар ва хизматлар хариди бўйича давлат бошқаруви идораларининг сарфи.

Асосий фондларнинг ялпи жамғарилишини бунчалик кенг мазмунда шарҳлашдан боис, бир хил бўлган шароитларда нафақат ялпи жамғарилиш ҳажми, балки, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми ҳам мутаносиб равишда ортиб боришини ушбу кўрсаткичлар динамикасини ўрганишда ҳам (таққослама ҳолатига келтириш жараёнида) инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий ҳисоблар тизимида бундан ташқари, капитал харажатлар кўрсаткичи ҳам қўлланилиб, илгари эслатиб ўтилган элементларга яна ер ва бошқа яратилмаган активлар хариди ҳам қўшилади.

Ташқи савдо фаолиятига даҳлдор бўлган айрим кўрсаткичларни ўрганишда савдонинг ялпи чиқарилиши ва импортга солиқлар ҳисобларининг муфассал баён қилинишига алоҳида эътибор билан қаралиши зарур.

Бундай тоифаларни аниқлаш борасида ҳисоблардаги умумий ёндошишлар талқини қуйидагича:

**Ташқи савдонинг ялпи чиқарилиши** ташқи савдо ташкилотларининг муомала харажатларидан ички ва ташқи нархлар (баҳолар) ўртасидаги фарқ туфайли ҳосил бўладиган даромадларни бюджетга ўтказишдан сўнг унинг ихтиёрида қолган меъёрий фойдадан ташкил топади. Мазкур операция импортга солиқлар ҳисобида кўрсатилади.

**Ташқи савдо салдоси** эса товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқни билдиради.

Жорий ҳисобдаги салдо бошқа мамлакатлар билан операциялар натижасида ҳосил бўлган жорий даромадлар салдоси (хориждан келтирилган меҳнат ҳақи, мулкдан даромадлар, трансфертлар)ни ифода этади.

Яқин йиллар ичида МДҲ (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги) иқтисодий амалиётига тадбиқ этиладиган миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичлари юқорида зикр этилган қоида ва тартибларни ўз ичига олган ҳолда аниқланиши зарур.

### **1.5. Миллий ҳисоблар тизимини аналитик имкониятлари, таҳлилнинг асосий йўналишлари ва вазифалари**

Таҳлил – ҳар қандай статистик ишлар (изланишлар)нинг якуний босқичидир.

Миллий ҳисоблар тизимида мавжуд бўлган улкан ҳажмдаги ўзаро боғланган ахборотлар комплекс (тўлиқ) таҳлил ўтказиш имконини беради. Умумлаштирувчи иқтисодий курсаткичларни бир-бирларига боғланган ҳолда тадқиқ этиш туфайли иқтисодий жараёнларни атрофлича статистик тавсифлаш, иқтисодий сиёсат самарадорлиги ҳақида асосли хулосалар қилиш, иқтисодий фаолият ва ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш учун тегишли долзарб чоралар кўриш масалалари ҳал этилади.

Миллий ҳисоблар тизимига ўтиш билан қатор масалалар бўйича мукамал таҳлил қилиш имконияти яратилади:

**Биринчидан:** ўрганиш объектини ниҳоятда кенг қўламда қамраб олиниши миллий ҳисоблар тизимида моддий неъматлар (маҳсулотлар) ишлаб чиқариш жараёнинигина эмас, балки, номоддий хизматлар ишлаб чиқариш жараёнини ҳам тавсифлаш имконини беради.

**Иккинчидан:** иқтисодий агентлар гуруҳларининг сони кенгайиб боради. Уй хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи но-

тижорат ташкилотлар, молиявий ва номолиявий корпорациялар мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда янги субъектлар сифатида намоён бўлади. Иқтисодиётни секторларга бўлиниши мамлакат иқтисодий ҳаётидаги даромадлар оқимини ҳаракатланиши ва уларни ишлаб чиқариш омиллари билан боғлаб таҳлил қилишда муҳим ҳисобланади.

**Учинчидан:** моддий-буюмлашган оқимлар ҳамда ишлаб чиқаришни техник-иқтисодий томонларини анъанавий таҳлили билан бир қаторда молиявий оқимлар таҳлилинини ўтказиш имконияти ошади.

Миллий ҳисоблар таҳлили динамикаси мамлакат иқтисодий раванқи борасида ўзаро боғланишларнинг аҳамиятли деб топилган умумий қонуниятлари, улар ўртасидаги мутаносибликларни аниқлаб беради.

Таҳлилни тизимга солиш — унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш заруриятини белгилайди. Таҳлилнинг мақсадлари, вазифалари ва мазмунидан келиб чиқиб, таҳлил бир қанча йўналишларда ўтказилиши мумкин:

1. Мазмунидан келиб чиқиб, тизимнинг айрим ҳисобларини таҳлил қилиш;

2. Бир-бирларига боғланган ҳолда қўшимча ҳисоблашлар туфайли кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

3. Миллий ҳисоблар тизимини динамикада яъни ўзгарувчан кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиш туфайли макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳажмига тааллуқли ўзгаришларнигина эмас, балки, улар ўртасидаги таркибий ва нисбат ўзгаришларни ҳам очиб бериш;

Таҳлилнинг бундай йўналиши миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларини таққослаш баҳоларида қайта ҳисоблашни, уларни эса таққослашувчанлигини таъминлаш зарурдир.

4) Миллий ҳисоблар тизимида ўз аксини топган айрим иқтисодий жараёнларга яъни даромадларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ҳамда даромадларни истеъмоли, жамғариши ва жамғаришга ишлатишга тавсиф бериш;

5) Иқтисодиётнинг айрим секторлари истиқболини миллий ҳисоблар тизими асосида ишлаб чиқиш орқали бу секторларни

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига қўшадиган ҳис-саси қандай эканлигини таҳлил қилиш;

б) Миллий ҳисоблар тизимининг тармоқлар миқёсида то-варлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иқтисодий натижа-ларга қўшган ҳиссасини аниқлаш, бозор муносабатлари ва иқтисодий сиёсат таъсирида иқтисодиётнинг тармоқ структура-сининг ўзгариши таҳлилинини ўтказиш;

7) Миллий ҳисоблар тизимида мазкур даврдаги меҳнат на-тижаларидан фойдаланиш ҳақидаги ахборотлар асосида мамла-кат миллий бойлигини ўсишига ва ижтимоий иқтисодий са-лоҳиятига тавсиф бериш ва бошқалардан иборат.

Умумлашмаган ҳолда таҳлилнинг асосий вазифаларига қуйдагиларни киритиш мумкин:

а) Иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари миқёсида иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим нисбатлари ва натижалари-га тавсиф бериш;

б) Ялпи чиқарилиш ва оралиқ истеъмоли ҳажмини иқтисо-диётнинг тармоқлари, секторлари ҳамда мулк шакллари буйича акс эттириш;

в) Иқтисодиётнинг тармоқларида ва секторларида ялпи қўшилган қийматни шаклланиши жараёни ва ялпи ички маҳсулотни ҳосил бўлишини таҳлил қилиш;

г) Иқтисодиётда даромадларнинг шаклланиш жараёнини ўрганиш: капиталдан, аралаш даромадлардан ҳамда меҳнат ту-файли топилган даромадлари;

д) Иқтисодиётда даромадлардан фойдаланиш жараёнини ва тармоқлар ҳамда секторларда пировард даромадларнинг шакл-ланишини тадқиқ қилиш;

е) Мамлакатдаги ва хориждаги иқтисодий агентлар ўртасида бўлган молиявий оқимларни тавсифлаш, мамлакатда капитал қўйилмаларни молиялаштиришда хорижий манбаларнинг мавқеи;

ж) Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи давлат муассасала-ри ва нотижорат ташкилотларининг уй хўжалиги истеъмолига қўшган ҳиссасини ажратган ҳолда иқтисодиётдаги пировард истеъмолни таҳлили;



з) капитал қўйилмаларни молиялаштиришдаги соф жамғаришга баҳо бериш;

и) Иқтисодиёт тармоқлари ёки секторларининг молиялаштириш бўйича қобилиятларини аниқлаш;

й) Ялпи ва соф жамғаришни асосий капиталнинг ва бошқа ғамламаларнинг ўсишини (кўпайишини) молиялаштиришда фойдаланиш жараёнини тадқиқ қилиш;

к) Тармоқлараро ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни тавсифлаш;

л) Ташқи иқтисодий алоқаларнинг таҳлили;

м) Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва секторларидаги иқтисодий жараёнларнинг амал қилишдаги самарадорлигини таҳлили ва унинг баҳоланиши.

Миллий ҳисоблар тизимидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар тўплами ва уларнинг нисбатлари асосида иқтисодиётда кечадиган деярли барча асосий иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш мумкин.

Ҳисобларда иқтисодий фаолиятнинг барча турдаги натижалари — моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш (бозорли, бозорсиз, моддий, номоддий) акс эттирилади.


Бу иқтисодиёт натижаларини таҳлил қилишда асосий йўналишлари таркибида бўлган бирор турининг динамикасини белгилайди. Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг таркибини, унинг натижавийлигини тармоқлар ва секторлар бўйича баҳолашга имкон топишдир.

Тармоқ структурасини ўрганиш асосида мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт хусусиятини (яъни саноатлашган, аграр-саноатлашган, аграрлашган), иқтисодиёт тараққиётида экстенсив ва интенсив омилларнинг таъсир даражасини, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини таъминловчи омиллар белгиланади.

Тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларини айрим ҳисобларда акс эттириш орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳамда истеъмол ва жамғариш (ишлаб чиқариш ва пировард истеъмол) ўртасидаги асосий иқтисодий нисбатлар ва мутаносибликларни таҳлиллаш имкони яратилади. Бу ерда товар-

лар ва хизматлар ишлаб чиқариш, кўзланган даромадларни бирламчи, иккиламчи тақсимоти ўртасидаги нисбатларни ҳам батафсил таҳлил қилинади.

Бозор иқтисодиёти бўйича тараққий этган мамлакатларда хизматларнинг турфа турларини амалга ошириш билан банд бўлганлар — фаол аҳолининг 2/3 қисмини ташкил этади. Масалан, АҚШда ЯИМдаги хизматлар салмоғи 75%га яқин келади. Россия Федерациясида эса ЯИМ таркибида хизматлар ҳиссаси ҳаракатдаги нархлар бўйича 50%дан ортиқдир. Маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш нисбати қуйидагича тасвирланган:



Шартли белгилар:



Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми



Хизматлар ишлаб чиқариш (бажариш)



Маҳсулотта соф солиқлар

Миллий ҳисоб тизими даромадларининг тақсимоти ва қайта тақсимотида ҳамда пировард даромадларнинг шаклланишида молия-кредит механизмларининг мавқеини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, иқтисодиётда даромадларнинг шаклланишида ташқи иқтисодий фаолият ва пировард даромадларга солиқлар дахмасасининг таъсири ва бошқалар ҳам ўрганилади.

«Қайта баҳолаш» ҳисобини тузиш билан Миллий ҳисоблар тизимида динамика кўрсаткичлари (таққослама баҳоларда)

орқали акс этирилган барча ҳодисалар ва жараёнлар: жумладан, иқтисодий натижалар структураси, унинг ҳажми, нисбатлари кўрсаткичларига инфляция яъни пулнинг қадрсизланиши жараёнини таъсир доираси ва унинг оқибатлари очиб берилади ҳамда мукамал таҳлил қилинади. Ва ниҳоят, миллий ҳисоблар тизими — ҳаражатлар қайтими (ҳаражатлар талабчанлиги), материаллар қайтими (материал талабчанлиги), фойдалилик, иш ҳақи талабчанлиги ва бошқа шу каби кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига тегишли баҳо бериш имконини яратади. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони, асосий ва айланма фондлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни келтириш билан иқтисодий фаолият самарадорлигини комплекс таҳлил қилишга эришилади.

### **Назорат саволлари**

1. Миллий ҳисобчилик ва миллий ҳисоблар тизими тушунчалари, уларнинг мақсадлари.
2. Иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини тавсифлашда миллий ҳисоблар тизими ҳамда унинг ахборот имкониятлари.
3. Миллий ҳисоблар тизимида ички иқтисодиётнинг бирлаштирувчи хусусиятлари, мазмуни ва ҳар бир ҳисобнинг вазифаси.
4. Миллий ҳисоблар тизимини тузишдаги умумий принцип (қоидалар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби қоидалари билан боғланиши.
5. Иқтисодий жараёнлар натижаларини тавсифлашда ҳисоблардаги балансловчи моддалар, уларнинг ҳисоблашишидаги умумий қоидалар, тутган ўрни.
6. Миллий ҳисоблар тизими бўйича иқтисодий фаолият натижаларини кўрсаткичлар тизими ва уларнинг иқтисодий таҳлилни амалга оширишдаги мавқеи.
7. «Маҳсулотлар ва хизматлар чиқарилиши» кўрсаткичини ҳисоблашидаги умумий қоидалари ва вазифалар.
8. Ялпи ички маҳсулот тушунчаси, унинг таркиби ва иқтисодий натижаларни тавсифлашдаги тутган ўрни.
9. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини турли босқичларида Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмини ҳисоблаш усули ва уни иқтисодиётни амал қилиш натижаларини таҳлил қилишдаги тутган ўрни.
10. Оралиқ истеъмол (ОИ)ни мазмуни ва уни ҳисоблаш усули.
11. Асосий капитал истеъмоли (АКИ) тушунчаси ва уни ҳисоблаш усули.

12. Иқтисодиётнинг ялпи фойдасини ҳисоблашда қўлланиладиган усул.

13. Миллий даромадни ҳисоблаш усули ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан фарқи.

14. Ялпи кўзланган даромад (ЯКД)ни ҳисоблаш усули ва унинг вазифаси.

15. Ялпи жамғариш (ЯЖ) ҳисоблаш усули ва уни иқтисодий фаолият натижаларни тавсифлашдаги тутган ўрни.

16. Ялпи жамғариш (ЯЖ)дан фойдаланишни ифодаловчи асосий йўналишлар ва уларни ҳисобларда акс эттирилиши.

17. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни «соф» ва «ялпи»лик асосида ҳисобланган кўрсаткичлардан фарқи.

18. Миллий ҳисоблар тизими асосида иқтисодий фаолиятни таҳлил этиш усули ва унинг асосий йўналишлари.

## **II БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР СТАТИСТИКАСИ ВА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ**

### **2.1. Маҳсулотлар ва даромадлар статистикасининг вазифалари, миллий ҳисоблар тизими билан алоқаси**

Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад ёки умуман макроиқтисодий кўрсаткичлар статистикасининг вазифаси — асосий иқтисодий жараёнлар натижаларига тавсиф бериш билан бирга пировард маҳсулотнинг таркиби, миқёсининг иқтисодий ўсиш суръатларини аниқлаш ҳамда даромадлар тақсимотини, қайта тақсимлаш жараёни кўламини қандай эканлигини кўрсатиш кабилардан иборат. Миллий ҳисоблар тизими эса статистик кўрсаткичлар тизими сифатида маҳсулотлар ҳамда даромадлар статистикаси асосида шаклланган ва ривожланган.

Маҳсулот ва даромад ўзаро боғланган тоифалар бўлишига қарамасдан уларнинг ҳар бири мустақил моҳият касб этади.

Маҳсулот — кенг маънода истеъмол қиймати яратилиши нуқтаи назаридан иқтисодий фаолият натижасини билдирадиган бўлса, даромад эса истеъмол қиймати яратилиши муносабати билан қийматни тақсимланиши жараёнини акс эттиради. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, микро ва макродаражада аниқланган маҳсулот ва даромадлар бир-бирларига ҳамма вақт ҳам мос келавермайдилар. Бошқа сўз билан айтганда, макроиқтисодий кўрсаткичлар саналган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад, ҳўжалик юритувчи субъектлар даражасида шунчаки оддий қийматлар йиғиндиси бўлибгина қолмасдан балки мутаносиб равишда бир ҳолатда маҳсулот, иккинчи бир ҳолатда даромад кўринишини олади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс (атрофлича) таҳлил қилиш учун қўлланилган ёндашишлар бир-бирларининг ўрнини тўлдирсаларда иқтисодий таҳлилнинг вазифалари турли бўлганлиги сабабли улар ўртасида айрим тафовутлар бўлиши мумкин. Маҳсулот ва даромад статистикаси аввало ишлаб

чиқариш сфераси (ишлаб чиқариш чегаралари) фаолиятининг замонавий йўналишларига асосланади. Ишлаб чиқариш чегарасини шарҳлаш эса тарихий хусусият касб этиб у даврлар оша тобора кенгайиб боради.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш сфераси ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тарихий саналган шакли сифатидаги фаолият ҳисобланиб, унинг натижасида иқтисодий неъмат таркиб топади. Кўпинча ишлаб чиқариш сфераси «ижтимоий ишлаб чиқариш»нинг янгича тушунчаси сифатида ҳам қўлланилади.

Халқаро мезон (стандарт)ларда 1993 йилдан бошлаб ижтимоий ишлаб чиқариш — очиқ (тиник) иқтисодиёт ва хуфя иқтисодиётларни бир-бирига таққослаган ҳолда шарҳлаб берувчи категория сифатида тушунила бошланди. Агарда моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўйича уй хўжаликлари фаолияти асосий ишлаб чиқарувчи институционал бирликларнинг иқтисодий фаолияти билан боғланса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми тариқасида талқин этилади. Миллий иқтисодиёт бозор секторидан ва нобозор сферасидан ташкил топади. У ҳолда иқтисодий неъмат-маҳсулот (товар) ёки хизмат шаклини олади. Бу ерда маҳсулот деб мустақил истеъмол қийматига эга бўлган мавжуд хом ашё (ёки материал)лардан тайёрланган буюм тушунилади.

Хизматлар эса жисмоний буюмлашган шаклга эга бўлмаган иқтисодий неъмат ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёни истеъмол жараёни билан мос равишда олиб борилади.

Ишлаб чиқариш сферасига қуйидагилар қўшилмайди:

1) Активларга эгалик қилиш (ҳатто улар даромад келтирса ҳам).

2) Инсонларнинг қатнашувисиз ўсимликлар ва ҳайвонларнинг табиий кўпайиши натижалари ва бошқалар.

Ҳозирги давр статистикасида амалий фикрлар бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш сферасига маҳсулотлар ишлаб чиқариш (товар ҳамда товарсиз шаклларда) ва барча институционал бирликлар томонидан бажарилган бозорли ва бозорсиз хизматлар (уй хўжалиklarининг ўзлари учун бажарган айрим хизмат турлари бундан мустаснодир) йиғиндиси киритилади.

Уйда ўзлари учун овқат тайёрлаш, болалар тарбияси билан шуғулланиш, беморлар ва қарияларга қарашиш, уй-жойларни тозалаш, йиғиштириш, уй рўзгор буюмларини, транспорт воситаларини хонаки таъмирлаш, оила аъзоларини зарур бўлган

жойларга элтиб қўйиш кабилар ишлаб чиқариш доирасидан ташқарида бўлади.

Шу билан бир қаторда, уй хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ишлаб чиқарилган ёки тайёрланган саноат қурилиш маҳсулотлари (улар товар ёки нотовар шаклига эга бўлиши — бўлмаслигидан қатъий назар), аҳоли томонидан кўрсатилган барча пуллик хизматлар (хизматкорларни ёлланиши, репетиторлик қилиш яъни болаларни савдини ошириш ҳамда ўқув юртларига кириш учун тайёрлаш, боғбонлик, энага, хайдовчиликка ёлланиш, хусусий тарзда тиббий, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш) ишлаб чиқариш фаолияти сифатида қаралади. Мамлакат статистикасида ишлаб чиқариш фаолиятларининг натижалари қуйидагича турланади:

1. Товарлар (товар шаклини олган ёки товар шаклини олмаган маҳсулотлар).

2. Моддий хусусиятга эга бўлган хизматлар (моддий хизматлар деб номланганлари).

3. Номоддий хусусиятга эга бўлган хизматлар (номоддий хизматлар деб номланганлари).

## **2.2. Миллий хўжалик тармоқлари (секторлари)ни таснифлашда ҳамда қиймат кўрсаткичларини шакллантиришда миллий ҳисоб тизими қондаларига амал қилиш**

Халқ хўжалик балансини тамойилларига асосан макроиқтисодий ҳисоблашлар (макрокўрсаткичларнинг таққослаш ва бошқа аналитик мақсадларни кўзда тутиб) орқали икки тенг ҳуқуқли тармоқлар сфераси яъни моддий ишлаб чиқариш сфераси ва номоддий хизматлар сфераси ҳосил қилинади.

Жумладан: моддий ишлаб чиқариш тармоқларига қуйидагилар киритилади:

- саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- ўрмон хўжалиги;
- балиқ хўжалиги;
- қурилиш;
- транспорт;
- савдо ва умумий овқатланиш;
- моддий-техника таъминоти;
- тайёрлов;
- ахборот ҳисоблаш хизмати;

- кўчмас мулк билан операциялар;
- бозорни амал қилиши учун умумий тижорат фаолиятини таъминлаш;
- фойдали қазилмаларнинг геологияси ва қидириш ишлари, геодезия ва гидрометеорология хизматлари;
- моддий ишлаб чиқариш сферасидаги фаолиятларнинг бошқа турлари.

Номоддий хизматлар сфераси ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

- уй хўжалиги;
- коммунал хўжалиги;
- номоддий сферадаги корхоналар томонидан аҳолига маиший хизмат (иқтисодий манбалар ва меъёрий характерга эга бўлган иқтисодий ҳужжатларда бу каби ҳолатлар аҳолига маиший хизматнинг ноаниқ, ноишлаб чиқариш турлари деб юритилади) кўрсатиш;

— соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва ижтимоий таъминот;

- халқ маорифи;
- маданият ва санъат;
- фан ва илмий тадқиқот;
- молия, кредит, суғурта, пенсия таъминоти;
- бошқарув;
- жамоат бирлашмалари.

Моддий ишлаб чиқариш сфераси, айниқса натура буюм шаклида маҳсулот яратаётган тармоқларга нисбатан статистикада маҳсулотнинг ялпи оборот, ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти ва бошқалардан ташкил топган қиймат кўрсаткичлари системаси ишлаб чиқилган.

Макродаражадаги қиймат кўрсаткичлари қуйидагича тартибда баён этилган.

— **ялпи ижтимоий маҳсулот** (моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ялпи маҳсулотлари йиғиндиси);

— **пировард ижтимоий маҳсулот** (ялпи ижтимоий маҳсулотдан ички тармоқ ҳамда тармоқлараро оборотнинг айирмаси);

— **миллий даромад** (ялпи ижтимоий маҳсулотдан моддий харажатларнинг айирмаси);

— **ялпи оборот** — тайёргарлик даражаси шакли ва ҳақиқий фойдаланишини қандай йўналишга эга эканлигидан қатъий назар ишлаб чиқариш объекти таркибига кирувчи барча



булимларда маълум даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар йигиндиси;

— **ялпи маҳсулот** — барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичидир. Хўжалик субъектлари учун ялпи маҳсулот — ялпи оборот билан ички ишлаб чиқариш обороти ўртасидаги фарққа тенглаштирилади;

— **товар маҳсулоти** — маҳсулотларни ишлаб чиқариш объекти доирасида ишлаб чиқарилиб, ташқарига сотиш учун мўлжалланган ёки сотилган қисмидир. Товар маҳсулоти — ялпи маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгариши ўртасидаги фарққа тенглаштирилади;

— **реализация қилинган маҳсулот** — харидор (истеъмолчи)ларга жўнатилган ва қиймати тўлиқ тўланган маҳсулотлар қийматига тенг;

— **пировард маҳсулот** — тармоқнинг ялпи маҳсулотидан ўрганилаётган давр мобайнида тармоқда ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқарилиб, мазкур тармоқда истеъмол қилинган меҳнат предметларининг қийматларини чегиргандан сўнг қолган қисми тушунилади;

— **соф маҳсулот** — бу янгитдан ҳосил қилинган қиймат бўлиб, ялпи маҳсулот билан харажатлар қиймати (моддий ишлаб чиқаришда қўлланилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган ёки ишлатилган хом ашё, материаллар, ёқилғи ва ёнилғилар, бутловчи буюмлар ва бошқалар) ўртасидаги фарқ тушунилади. Ҳозирги даврдаги маҳсулот ва хизматлар статистикаси юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизимини батафсил ёритилишини талаб этмасада, уларни миллий ҳисоблар тизими талаблари асосида ишлаб чиқариш фаолиятлари натижалари деб қараб уларни ҳам мантиқан, ҳам мазмунан таҳлил қилиш ҳамда бу кўрсаткични миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларига мувофиқлаштириш, мослаштириш масалаларини ҳам ҳал этиш зарур деб билади. Шу боис, маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичларининг замонавий тизими илгаригилари сингари ўта кенг қамровли бўлмасада у ўзининг универсаллиги яъни кўп қирралилиги билан фарқ қилиб, бир-бирларига боғлиқлик хусусиятига эга. Макро ва микродаражада — бу ялпи чиқарилиш, ялпи қўшилган қиймат, соф қўшилган қиймат тарзида намоён бўлса, фақат иқтисодиёт учун — ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот кўринишида намоён бўлади.

Жумладан, ялпи чиқарилиш — хўжалик юритувчи субъектлар-резидентларнинг ўрганилаётган даврдаги ишлаб чиқариш

фаолиятларини натижалари сифатидаги товарлар ва хизматлар қийматларидир.

Ялпи чиқарилиш ўз таркибига:

— бошқа иқтисодий бирликларга етказилган товарлар ва хизматларни;

— ўзининг пировард истеъмоли учун ёки жамғарилиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни;

— ўзининг пировард истеъмоли учун амалга оширилган айрим хизмат турларини киритади.

Ялпи чиқарилиш ёки умуман чиқарилиш икки кўринишда (нусхада) яъни бозорли ва бозорсиз кўринишда намоён бўлади.

Бозорли чиқарилиш товарлар ва хизматларнинг:

— иқтисодий аҳамиятга молик нархларда сотилганларини;

— бартер орқали бошқа товарлар (хизматлар) ёки активларга алмашинганларини;

— ходимларга меҳнат ҳақи эвазига натура тарзида берилганларини;

— мазкур корхона (мустақил балансга эга ёки ҳисоб бирлиги мақомига эга бўлган)ни ўзининг бошқа бўлинмаларига етказиб берилганларини ўз ичига олади.

Бунга мисол қилиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзини ичида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган уруғликлар ва ем-хашаклар; шахталар томонидан брикетлар тайёрлашда сарфланган кўмирлар; хўжалик асосида олиб борилаётган қурилишда ишлатилган материаллар; корхоналардаги ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилиб ўзларининг дам олиш уйлари, соғлиқни тиклаш мажмуаларидаги ошхоналарида ишлатиш ёки сарфлаш учун кетган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Булардан ташқари, бозорли чиқарилишга — ишлаб чиқарувчилардаги моддий оборот маблағлари ғамламаларига келиб тушадиган ва бозор мақсадларига ишлатиладиган тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳам киритилади.

Бозорсиз чиқарилиш таркибига товарлар ва хизматларнинг:

— иқтисодий бирликларнинг пировард истеъмол ёки жамғарилиш учун ишлаб чиқарган қисми (фермерлар, шахсий хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги маҳсулотлари, хўжалик асосида қурилишини амалга ошириш);

— бошқа бирликларга бепул ёки иқтисодий аҳамият касб этмайдиган нархларда берилган (тиббиётда кўрсатилган бепул

тиббий хизмат, бепул таълим, давлат бошқарувининг хизматлари ва бошқалар) қисми киритилади.

Бозорсиз чиқарилишга юқоридагилардан ташқари, ишлаб чиқарувчидаги моддий оборот маблағлари ғамламаларига тушадиган ва бозорсиз фойдаланишга мўлжалланган барча тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳам киритилади.

Бозорли чиқарилиш асосий нархларда баҳоланади. Асосий баҳо деб ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулотларга тадбиқ этилган солиқлардан ҳоли қилиб (маҳсулотлар учун субсидияларни кўшган ҳолда) сотилаётган товарлар ва хизматларнинг нархлари тушунилади.

Ўзида пировард истеъмолга ишлатиш ва жамғарилиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар эса бозордаги товарлар ва хизматлар учун тадбиқ этилаётган асосий баҳоларда баҳоланади. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи Давлат бошқарув идоралари ва нотижорат ташкилотлардаги бозорсиз хизматлар, мазкур ташкилотлардаги жорий сарф-харажатларни инобатга олган ҳолда ҳатто асосий капитал (асосий фондлар) амортизациясини ҳам эътиборга олган ҳолда баҳоланади.

**Ялпи кўшилган қиймат (Яққ)** чиқарилиш ёки ишлаб чиқариш билан оралиқ истеъмоли ўртасидаги фарқ сифатида намоён бўлади.

**Оралиқ истеъмоли** бошқа товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш мақсадида жорий йил мобайнида истеъмол қилинган (инвестиция қилинганларидан ташқари) товарлар ва бозор хизматларининг қийматларидан ташкил топади. У ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

— хом ашёлар, материаллар, ёқилғилар, ёнилғилар, уруглик, ем-хашаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, канцелярия буюмлари, махсус кийим-кечаклар ва хоказоларга сарфлар;

— бошқа бирликлар ва алоҳида шахслар томонидан амалга оширилган ишлар ва хизматлар (яъни транспорт хизматлари ва унинг таъмирланиши, алоқа хизматлари, ҳисоблаш марказлари, коммунал хизматлар, реклама сарфлари, банклар, суғурта ташкилотлари хизматлари, ҳуқуқшунослар, маслаҳатчилар ва бошқа хизматлар) тўловлари;

— сафар учун, шунингдек йўл кира ва меҳмонхона тўловлари учун сарфлар.

**Соф қўшилган қиймат (СҚҚ)** ялпи қўшилган қиймат билан асосий капитал (асосий фондларнинг амортизация ажратмаларидан ташқари)нинг истеъмоли ўртасидаги фарқни билдиради.

Макродаражада маҳсулотнинг кўрсаткичлари тизими мамлакатдаги иқтисодий фаолият натижаларини акс эттирувчи якуний кўрсаткич саналган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) билан ифодаланади.

Назарий жиҳатдан иқтисодий фаолият натижаларини янада аниқроқ ифода этадиган кўрсаткич бўлиб соф ички маҳсулот (СИМ) ҳисобланади. Бу кўрсаткич ўз навбатида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) билан ўрганилаётган давр учун ҳисобланган асосий фондлар амортизацияси ажратмалари ўртасидаги фарқни аниқлаш орқали ҳосил қилинади.

Бундай ҳолатга қуйидагича тарзда тавсиф берилади:

**Биринчидан,** ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматларнинг қай даражада намоён бўлиши доирасидаги қийматни акс эттира оладиган ишлаб чиқариш маҳсулоти кўрсаткичидир.

**Иккинчидан,** ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — ички маҳсулот сифатида тушунилишини боиси, у мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилгандир.

Резидентларга эса қайси миллатга ёки элатга мансублигидан қатъий назар мазкур мамлакат ҳудудида иқтисодий манфаатга эга бўлган барча иқтисодий бирликлар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уй хўжаликлари) киради. Улар истеъмол бирликлари саналиб ишлаб чиқариш фаолиятлари билан шуғулланидилар.

Мамлакатдаги иқтисодий ҳудуд — деб мазкур мамлакат (ҳукумат)нинг маъмурий бошқаруви амалга оширилаётган ҳолатдаги алоҳида шахслар, товарлар ва пуллар бемалол ҳаракатлана оладиган территория (жой) тушунилади.

Жўғрофий ҳудуддан фарқли ўлароқ иқтисодий ҳудуд ўз таркибига шу мамлакатда жойлашган бошқа мамлакатларнинг ҳудудий зоналари (элчихоналар, ҳарбий истеҳкомлар ва бошқалар)ни киритмайди. Аммо бошқа мамлакатларда жойлашган бундай ҳудудлар унинг таркибига киритилади.

**Учинчидан,** ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) асосий капитал яъни асосий фондларнинг истеъмолини чегиргунга қадар ҳисобланган. Асосий фондларнинг истеъмоли даражасини аниқлаш ўта мураккаб жараён саналиб бу борада асосий фондларнинг хизмат даври, ишлатилиш мақсади, эскириш даражаси

каби маълумотлар манбаи мукамал бўлиши зарур, бу нарса ҳамма мамлакатларда ҳам муҳайё эмас.

Булардан ташқари, ана шундай маълумотларга эга бўлган мамлакатлар ҳам асосий фондларнинг йиллик истеъмоли ҳажмини аниқлаётиб, бир хил бўлмаган ёки ностандарт ҳисоблаш усулларидан фойдаланадилар. Шу сабабли соф ички маҳсулот (СИМ)га нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўйича маълумотлар, мамлакатлар учун анча енгил ва таққослаш учун қулайдир. Билъакс, қатор мамлакатларда соф ички маҳсулот (СИМ)га нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи кенг талқалган ва мамлакатнинг асосий кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Замонавий иқтисодий статистикада даромадларнинг кўрсаткичлар тизими таниқли инглиз иқтисодчиси Дж. Хикс томонидан исботланган илмий йўналишга асосланган.

Унинг мазмуни шундаки, бирмунча давр мобайнида истеъмолга сарфланадиган максимал суммани белгиловчи, шу билан бир қаторда, давр бошланишидаги капитални даврнинг охиригача ўзгартирмай сақлай оладиган даромад тушунилади. Ёки бошқача айтганда, фуқаролар ўзларининг турмуш даражаларини қийинлаштирмасдан истеъмолга ишлатадиган сарфларни таъминлай оладиган даромадлар ҳажми тушунилади. **Биринчидан, ҳар қандай пул тушуми ҳам даромад саналавермайди.**

Масалан, пул тушумининг умумий ишлаб чиқариш воситаларига қилинган сарфларни қоплаш учун мўлжалланган (ёки ажратилган) қисми даромадни (макроиқтисодий қарашлар нуқтаи назаридан) билдирмайди. Ёки яна бир мисол: кимдир ўз турар жойини сотишдан тушган пулни банкка қўйиб у пулдан олинадиган фоиз ҳисобига яшай бошлади. Бундай ҳолатда турар жой сотишдан тушган пул даромад саналмайди, чунки бу ҳолатда актив шаклининг ўрни алмашади (яъни моддий актив-молиявий талабномага айланади). Аммо даромадга депозитлар бўйича олинган фоизларни киритиш мумкин. Кейинчалик турар жой сотишдан келган тушумга истеъмол товарлари ва хизматлар харид қилинган чоғда ҳам турар жойдан келган тушумни даромад ҳисобламаслик лозим, сабаби даромад-истеъмол сарфлари ва жамғармалар йиғиндиси (жамғармалар-даромадларнинг ўзгаришни тавсифлайди) ҳисобланади. Бу ерда истеъмол сарфлари даражасига тенг миқдорда жамғармалар камаяди. Ҳисобий нуқтаи назардан эса даромад 0 га тенг бўлади.

**Иккинчидан, жамгарма ҳажмини нақд пул, банк депозити ва бошқа молиявий активларнинг ўсимига тенглаштириб бўлмайди,** чунки молиявий активларнинг кўпайиши жамғариш натижаси эмас балки активларнинг шакли ёки молиявий мажбуриятлар ўзгаришлари туфайли амалга ошиши мумкин. **Жамғариш де-ганда** — кўзланган даромад билан истеъмоладан учун сарфлар ўрт асидаги фарқ тушунилади. Бу 11111 манбаа ва номолиявий ак-тивларни молиялаштиришга хизмат қилади.

**Учинчидан, тасодифий сабаблар туфайли хосил бўлган капи-тал ўсими** (масалан, марказий автомобил йўлларини ўтказилиши туфайли шу атрофдаги ер участкаларининг қийматларини ортиши ёки пулнинг қадрсизланишини таъси-ри)га даромад сифатида қаралмаслик зарур. Шундай қилиб, пулнинг қадрсизланиши ёки ишлаб чиқаришга дахлдор бўлмаган бошқа омиллар ўзгариши: жумладан, мулкни бошқага бериш ҳуқуқи, сотилиши, хусусийлаштириш кабиларнинг таъсири остида активлар қийматини ўзгаришлари ҳам даромад ҳисобланмаслиги керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ва шакллантирилган даромадларнинг айрим миқдорлари тар-кибига «Холдинг фойдаси» деб аталувчи қийматлар ҳам кўшилмайди. Бунга сабаб оморлардаги хом ашё гамламаларини сақлаш даврида пулнинг қадрсизланиши таъси-ри туфайли активлар қийматини ўзгариши содир бўлиши мум-кин.

Юқорида баён қилинган фикрни ойдинлаштириш учун қуйидаги икки ҳолатни кўриб чиқамиз.

**Биринчиси.** Хом ашё қиймати сотиб олинган даврга 300 млн. сўмни ташкил этди. Уч ой ичида барча хом ашё тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатилди. Тайёр маҳсулот эса кейинчалик тўла реализация қилиниб (яъни сотилиб) 1 млрд. сўм фойдага эга бўлинди. Аммо, уч ой мобайнида нарх-наволар 2 карра кўтарилди. Макроиқтисодий ҳисоб-китоблар нуқтаи-назаридан олинган фойдани бир қисми ишлаб чиқариш фаолиятларига боғлиқ бўлса, унинг иккинчи қисми пулнинг қадрсизланиши яъни нарх-навонинг икки маротаба кўтарилиши туфайли ( $300 \times 2 - 300 = 300$  млн. сўм) олинди. Олин-ган фойдадан холдинг фойдаси (300 млн. сўм)ни чегириб таш-ланиши лозим. Шундай қилиб, миллий ҳисоблар тизими услу-биятига асосан фойда миқдори 1 млрд. сўм (хўжалик юритувчи субъект даражасида кўрсатилганидек) эмас, балки 700 млн. сўмни ташкил этади (1 млрд. сўм — 300 млн. сўм).

**Иккинчиси.** Корхона томонидан 100 бирлик маҳсулот тайёрланиб унинг баҳоси ишлаб чиқариш давридаги 500 минг сўмни ташкил этган. Икки ойдан сўнг бу маҳсулот 750 минг сўмга сотилган. У ҳолда сотилган маҳсулотдан келган тушум 75 млн. сўм (яъни  $0,75 \times 100 = 75$ )га тенг бўлади. Макроиқтисодий ҳисоб-китобларда бу кўрсаткич 50 млн. сум ( $0,50 \times 100 = 50$  млн. сўм) деб кўрсатилиши керак. Ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг ҳақиқий миқдори ана шундай, чунки, бу ерда реализация ҳажмининг ўсиши ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмасдан асосан ташқи омиллар ҳисобига кузатилган. Макроиқтисодий ҳисоб-китоблар нуқтаи назаридан бундай ўсиш фаолиятнинг натижасини сифатида тушунилмаганлиги боис бу натижа маҳсулотдан олинган даромадга ҳам қўшилмайди.

Макро даражадаги даромадларнинг йиғма кўрсаткичи— **ялпи миллий даромад (ЯМД)** — ялпи ички маҳсулот билан хориждан тушадиган бирламчи даромадлар сальдосининг йиғиндисига тенгдир. Агар мамлакат иқтисодиётини ёпиқ ҳолда тасаввур қилинса ялпи ички маҳсулот назарий жиҳатдан ялпи миллий даромадга тенг. Соф ички маҳсулот эса соф миллий даромадга тенг бўлур эди. Очиқ ҳолатдаги иқтисодиётда юқоридаги тенгликлар фақат тасодиф бўлиши мумкин холос. Бунинг сабаби, мамлакатга келаётган ва кетаётган бирламчи даромадлар оқими одатда бир-бирларига мос тушмайди. Ривожланган мамлакатларда меҳнат ҳақи, хориждан тушадиган бевосита инвестициялар бўйича реинвестицияланган даромадлар кўринишидаги бирламчи даромадлар ҳажми бошқа мамлакатларга борадиган оқимлардан ортиқ бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда жумладан, Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларининг кўпчилигида юқоридаги тенденциянинг акси кузатилади.

Даромадлар кўрсаткичлари тизими миллий даромад кўрсаткичларидан ташқари, пировард даромадларнинг ташкил топиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичларни ҳам қамраб олади.

Булардан энг муҳимлари:

- Бирламчи даромадлар;
- Пул шаклидаги жорий трансфертлар;
- Натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар;
- Кўзланган даромад;

— Туғриланган (ўзгартирилган) кўзланган даромад;

— Ҳақиқий кўзланган даромад.

**Бирламчи даромадлар** — ишлаб чиқариш омилларини қоплаш учун хўжалик субъектларига келиб тушаётган даромадларни ифода этади. Булар таркибида аввало меҳнат ҳақи, фойда, аралаш даромадлар ва мулкдан даромадлар муҳим ўрин тутади.

Омилли даромадларнинг концепцияси (йўналиши) анча кенг. Бунини исботлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) 1993 йилда миллий даромадни ҳисоблаш учун миллий ҳисоб тизими тамойилларига кўра омилли қийматдан бозор нархига ўтишни келтириш кифоядир. Сабаби, бозор нархлари (баҳолари) сўнги харидор нархи сифатида маҳсулотга соф солиқлар (билвосита солиқлардан маҳсулотга субсидиялар чегирилади)ни ўз таркибига киритади.

**Пул шаклидаги жорий трансфертлар** — қайта тақсимлаш жараёнларини бевосита пул шаклида акс эттирилишидир. Улар ўз навбатида даромадларга ва мулкни жорий солиқлар, ижтимоий эҳтиёжларга давлат бюджетдан тўловлар, суғурта рағбати ва қопламалари кўринишларида амалга оширилади.

**Натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар** — аҳоли фойдасига бепул ижтимоий-маданий хизматлар (тиббиёт соҳасидаги, маориф соҳасидаги бозорсиз хизматлар ва шу кабилар) кўрсатиш орқали миллий даромадни қайта тақсимлашини акс эттиради.

Ижтимоий трансфертларнинг жорий трансфертлардан пул шаклидаги фарқи асосан умумдавлат бошқаруви муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи, нотижорат ташкилотлари кўринишидаги институционал бирликлардан даромадларни фақат бир томонга ҳаракатланишидир.

Пул шаклидаги жорий трансфертларга келсак, замонавий иқтисодийётда уларнинг ҳар бир секторда мустақкам ўрни бўлиб, бири-бир томонлама тўлов, бошқаси эса бир томонлама тушум сифатида кўринади. Жумладан уй хўжалиги учун нафақа — шахснинг иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлмаган бир томонлама тушум бўлса, шахсий даромад солиғи — даромадни бир томонлама мусодара тартиби билан ҳосил бўлган ундириш ҳисобланади.

**Кўзланган даромад** — бирламчи даромадларни ва пул шаклидаги жорий трансфертлар салдосини йиғиндиси ҳисобланади. Иқтисодийёт учун умуман (кўзланган миллий да-



ромад) ва ҳар бир сектор учун (миллий иқтисодиёт секторининг кўзланган даромади), пировард кўринишда эса сўнгги истеъмолга ва жамғаришга сарфлардан ҳосил бўлади.

**Жамғариш деганда** эса кўзланган даромаднинг сўнгги истеъмолга сарфларидан қолган қисми тушунилади.

Иқтисодиёт учун умуман бу миллий жамғаришдир. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий иқтисодиётнинг секторлари бўлмиш «Нолиявий корхоналар» ва «Молиявий муассасалар» товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи институционал бирликлар гуруҳи сифатида кўрсатилган бўлиб сўнгги истеъмолга харажатлар (ёки сарфлар)дан ҳолидир. Шу сабабли улар учун кўзланган даромад — жамғаришга тенгдир.

**Тўғрилланган мўлжалдаги (кўзланган) даромад** — кўзланган даромад билан олинган (ёки берилган) ижтимоий трансфертлардан ташкил топади. Агарда ижтимоий трансфертлар уй хўжаликлари учун кўпайиши (ошиши)ни, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи умумдавлат бошқаруви ва нотижорат ташкилотлари учун эса фақат камайиш (бериш)ни билдирса, иқтисодиёт учун тўғрилланган мўлжалдаги даромад кўзланган даромадга тенгдир. Умуман тўғрилланган мўлжалдаги даромад - аҳоли турмуш даражасини кенгроқ тавсиф қилиш учун зарур бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигининг кўтаришда бепул хизмат турлари каби алоҳида унсурларни ҳам эътиборга олишни талаб этади. Айниқса бунини нобозор кўринишдаги хизматлар ҳажмини камайиши аҳолининг ҳаётига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини белгилашда ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

### **2.3. Макроиқтисодий кўрсаткичларни жорий баҳолардан доимий баҳоларга кўчириб ҳисоблаш**

1993 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)да миллий ҳисоблар тизими бўйича маҳсулотнинг жисмоний ҳажми кўрсаткичи билан даромад кўрсаткичининг ҳақиқий ифодаси ўртасида тафовутлар аниқлана бошланди.

Бу ерда аввало масала, ишлаб чиқарилган ёки фойдаланилган маҳсулотнинг жисмоний ҳажмини ўзгаришини тавсифлашга қаратилган кўрсаткичларни ўзгармас ёки доимий нархларда кўрсатилиши ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, бу масаланинг кўтарилиши пулнинг (ёки валютанинг) харид қобилияти ўзгаришини ҳақиқий ўлчанишида қўлланиладиган

кўрсаткичларни ҳам доимий нархларда берилишини зарур деб ҳисоблайди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни доимий нархларда ҳисобланиши муаммолари бўйича келтирилган махсус адабиётларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг жисмоний ҳажми индекси билан миллий даромаднинг харид қобилияти индекси бир-бирларига тескари мутаносибликда ўзгариб бориши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Мисол тариқасида импорт қилинаётган маҳсулот учун баҳо индекси, экспорт товарлари бўйича баҳо индексидан ҳар қандай тенг ҳолатларда юқори эканлигини келтириш kifоядир.

Шундай қилиб, иқтисодий ҳодиса (жараёнлар)ни жисмоний ҳажми ўзгаришини тавсифлашда макроиқтисодий кўрсаткичларни доимий нархларга кўчириб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ва унинг унсурларини доимий нархларда ҳисоблаш учун қуйидаги усуллар мавжуд:

- баҳо индекслари ёрдамида дефляция (баҳони ўзгартириш учун қўлланиладиган коэффициент) қилиш;
- такрорий (ёки иккинчи маротаба ҳам) дефляциялаш;
- маҳсулотнинг жисмоний ҳажми индекси ёрдамида базис даври кўрсаткичларини экстраполяция қилиш;
- харажат турлари ёки элементлари бўйича қайта баҳолаш.

Баҳо индекслари ёрдамида дефляциялаш усули орқали доимий нархларда берилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) сўнгги истеъмол (агар бу унсурлар бозор нархларида берилган бўлса)га даҳлдор барча унсунларнинг доимий нархлардаги йиғиндисидан ҳосил бўлади. Назарий жиҳатдан халқаро услубий тавсияномаларда асосий эътибор Фишер индекси (баҳо индекси ҳамда жисмоний ҳажм индекслари бўйича)га қаратилган бўлсада, амалда кўпроқ Ласпейрес ва Пааше индексларидан (баҳо индекслари туркумида кенг ёритилган) фойдаланишга аҳамият берилади. Россия Федерацияси статистикаси амалиётида ҳам баҳо ўзгаришини таърифловчи индекслар сифатида Ласпейрес формулалари кенг фойдаланилади.

Икки маротаба дефляциялаш усули ишлаб чиқариш усули бўйича аниқланган ялпи ички маҳсулотнинг муҳим унсури, яъни компоненти сифатида қўшилган қийматни доимий нархларда ҳисоблаш учун қўлланилади. Бу усул кетма-кет дефляциялаш қоидасига риоя қилган ҳолда, яъни дастлаб ишлаб

чиқариш ёки чиқарилишни, кейин эса оралиқ истеъмолини ҳисоблаш туфайли ўтказилади. Доимий баҳоларда ифодаланган қўшилган қиймат икки кўрсаткич яъни доимий баҳоларда ҳисобланган чиқарилиш билан оралиқ истеъмоли ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Доимий нархлардаги ялпи ички маҳсулотнинг алоҳида унсурларини ҳисоблашда базис даври кўрсаткичларининг экстраполяция усули бўйича келтирилиб, жисмоний ҳажм индексларини (соддалаштириш қоидаларини қўллаб) тадбиқ қилиш билан (нархлар, маҳсулот ҳажми ўзгариши, хизмат кўрсатиш ҳақидаги етарли маълумотлар бўлмаган тақдирда) амалга оширилади.

Доимий нархларда берилган кўрсаткичлар — харажатлар унсурлари бўйича қайта баҳолашни тадбиқ қилиш усулига биноан харажат унсурлари ҳам дефляция орқали аниқланади. Бу усул асосан нобозор хизматлари қийматларини акс эттирувчи кўрсаткичларни доимий нархларда қайта баҳолашни (бошқарув, бепул тиббиёт, бюджетга боғлиқ фан ва бошқалар) учун хизмат қилади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва унинг таркибидаги унсурларни доимий нархларда берилиши бўйича маълумотларга асосан аҳоли турмуш даражасига даҳлдор бўлган қатор кўрсаткичлар, бундан ташқари иқтисодий тараққиёт, иқтисодий конъюнктура яъни вазиятнинг тебраниши, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ҳақиқий ўзгариши, маҳсулотни пировард ишлатилиши кабилар аниқланади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми индексини бошқа кўрсаткичларнинг ҳақиқий ўзгаришлари индекслари билан таққослаш орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир ўтказувчи қатор кўрсаткичлар: жумладан, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва бошқалар таҳлил қилинади.

### Назорат саволлари

1. Миллий ҳисоблар тизимини шаклланишида асос бўлиб хизмат қиладиган даромадлар ва маҳсулотлар статистикасини моҳияти нимада?

2. Ишлаб чиқариш фаолиятини чегаралари тўғрисидаги замонавий тушунчаларини хусусиятлари қандай?

3. Миллий ҳисоблар тизими билан халқ хўжалик баланси ўртасидаги кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш усуллари қайси томонлари билан фарқ қилади?

4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) кўрсаткичларини функциялари (бурчлари) ва вазифалари қандай изоҳланади?

5. Даромадларнинг замонавий йўналишлари (концепциялари) мавжудлиги нимада?

6. Доимий нархларда берилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)-ни ҳисоблашда қандай услубий қоидалар қўллаб иллади?

## **III БОБ. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ) ВА МИЛЛИЙ ДАРОМАД (МД)НИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **3.1. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларининг ҳисоблаш усулларини ижтимоий-иқтисодий моҳияти**

**Ялпи ички маҳсулот** — мамлакат бўйича иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасини ифода этувчи энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. **Иқтисодий фаолият сфераси** — моддий маҳсулот ёки хизмат шаклини олиш, олмаслигидан қатъий назар бундай натижалар иқтисодий неъматлар ишлаб чиқаришни англатади.

Фаолиятни ижтимоий ишлаб чиқаришга киритиш ёки киритмасликни кўрсатувчи яна бир мезон мавжудки, бу ерда иқтисодий неъматлар ишлаб чиқаришдаги бундай фаолият-ижтимоий ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда кўриб ўтишни тақозо этади.

Бундан ташқари, (1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилинган миллий ҳисоблар тизими) миллий ҳисобчиликнинг халқаро стандартлари яъни мезонларидаги сўнгги қарашларда ишлаб чиқариш «хуфя иқтисодиёт»ни ҳам қамраб олиши зарур дейилган. «Хуфя иқтисодиёт» тушунчаси жумладан қонунда тақиқланган тарзда айрим шахслар томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш (наркотик гиёҳлар етиштириш, тақиқланган тиббий муолажалар кўрсатиш ва ҳоказо), шунингдек даромадлар миқдорини атайлаб камайтириш ёки яшириш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** — ялпи миллий даромад (ЯМД) кўрсаткичини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажми ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га хориждан тушадиган бирламчи даромадлар салдосини қўшиш орқали аниқланади. Қўлланманинг илгариги бобида айтилганидек, мамлакат

иқтисодиёти ёпиқ бўлганда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмига тенг бўлган бўлур эди, чунки хориждан келиши мумкин бўлган бирламчи даромадлар салдоси оқими тўсиб қўйилар эди. Очиқ иқтисодиёт мавжуд ҳолатларда фақат тасодифлар туфайлигина бирламчи даромадлар оқимининг кириб келиши ва чиқиб кетиши тенг келиб қолиш мумкин, аслида улар бир-бирларига мос бўлавермайдилар.

Агар ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмидан асосий фондлар истеъмоли (амортизация)ни чегириб ташланса ўрганилаётган давр ичидаги соф миллий даромадни ёки содда-роқ қилиб айтганда миллий даромад (МД) ҳосил бўлади.

Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг анъанавий тавсифи (ёки баҳолаш) уч хил яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда пировард фойдаланиш усуллари ёрдамида амалга оширилади.

### **3.2. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисоблаш**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида (асосий баҳолардан харидорнинг пировард баҳоларига ўтиш билан боғлиқ қўшимча тузатишлар киритиш билан) аниқлаш тартиби ишлаб чиқариш усули деб юритилади.

Унинг умумий шаклини қуйидагича баён қилиш мумкин:

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) = Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) + Маҳсулот ва импортга солиқлар – Маҳсулот ва импортга субсидиялар. Миллий даромад (МД) = Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – Асосий фондларнинг истеъмоли (амортизация) + хориждан бирламчи даромадлар салдоси тушуми.

Маълумки, товарлар ва хизматлар чиқарилиши – ҳўжалик юритувчи субъектлар, аниқроғи, резидент-бирликларнинг кўриб ўтидаётган даврдаги ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари бўлмиш моддий неъматлар ёки хизматлар қиймати сифатида гавдаланади.

Миллий ҳисоблар тизимида ишлаб чиқариш фаолиятига оид чегараларда чиқарилиш таркиби қуйидагича шарҳланади:

– ишлаб чиқарувчилар саналмаган бошқа бирликларга етказиб берилган товарлар ва хизматлар;

— ўзининг пировард истеъмоли учун, айниқса турар жойда яшاشига оид хизматлар, уй хизматлари (хатто уй хизматларига тўланадиган ҳақлар ҳам қўшилиб)ни амалга ошириш бўйича товар ишлаб чиқариш.

**Чиқарилиш тушунчаси бозорли ва бозорсиз турларга бўлинади.**

Моддий ресурсларни ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмоли учун фойдаланиш кўрсаткичларни аниқлаш услубияти — ишлаб чиқаришнинг «бозорлик» даражаси ҳамда фаолият характери-дан келиб чиқади.

Бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқ; муомала сферасидаги тармоқларга, бозор хизмати сфераси тармоқларига, молиявий хизматлар сфераси, нобозор хизматлар сфералари тармоқларига бўлиб ўрганилади.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига тадбиқ қилинаётган «чиқарилиш» кўрсаткичини ҳисоблашдаги айрим хусусиятларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Саноат — қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби буюмлашган — натура шаклида маҳсулот ишлаб чиқарадиган фаолият сферасининг типик тармоғидир. Саноат маҳсулоти ўз таркибига тайёр маҳсулот, реализация қилинган ярим фабрикатлар ва саноат характеридаги ишлар (капитал таъмирлаш ва ҳоказо), ярим фабрикатлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ғамламалари ўзгаришларини олади.

Жумладан, номолиявий корхоналар секторидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг катта гуруҳи учун ялпи чиқариш (ЯЧ) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$ЯЧ = R + \text{ғамламалар ўсиши}$$

Бу ерда  $R$  — сотилган, реализация қилинган маҳсулот.

Ғамламалар ўсиши деганда реализация қилинмаган аммо тайёр бўлган маҳсулот ўсими, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш (узоқ давомли ишлаб чиқариш циклига эга бўлган) ўсимлари тушунилади.

Инфляция шароитида ўсиш ( $S$ ) қуйидагича топилади.

$$S = L - M$$

Бу ерда  $L$  — жўнатилаётган даврдаги баҳоларда берилган ғамламадаги маҳсулотлар қиймати.

М – олинадиган даврдаги баҳоларда акс эттирилган товар ғамламалари (ғамламадан олинганлари) қиймати.

**Савдо** – муомала сферасидаги муҳим тармоқдир. Савдо чиқарилиши – савдодаги сотилган товарлар қиймати билан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ўртасидаги фарқни ифода этувчи савдо устамаси билан ўлчанади. Савдо бўйича ялпи чиқарилиш (ЯЧ) савдо ташкилотларининг муомала харажатлари ва фойдаси (ялпи даромад) йиғиндиси сифати ҳисобланади.

Ташқи савдо ташкилотларидаги чиқарилиш ҳажми ички савдо ташкилотларидаги каби ҳисобланади. Бироқ у миллий ҳисоблар тизимида импортга соф солиқлар кўринишидаги ташқи ва ички бозорларнинг экспорт ва импорт маҳсулотлари нархларидаги фарқни қўшиб ҳисобламайди. Хизматларнинг бозор чиқарилиши одатда кўрсатилган хизматлардан олинган тушумга тенглаштирилади.

Банклар ва суғурта компанияларнинг ялпи чиқарилиши махсус қоидаларга асосан топилади.

Жумладан: Банкларнинг ялпи чиқарилиши бевосита кўрсатилган хизматлар тушумидан ва билвосита молиявий воситачилик хизматлари қийматлари йиғиндисидан иборатдир.

Молиявий воситачилик хизматлари қиймати олинган фоизлар билан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқ (тафовут)га тенг.

Суғурта компанияларининг ялпи чиқарилиши (ЯЧ ск) куйидаги тартибда топилади:

$$\text{ЯЧ ск} = \text{СМ} - \text{СҚ} + \text{Q} - \text{N}$$

Бу ерда: СМ – суғурта мукофоти;

СҚ – суғурта қопламалари;

Q – суғурта компанияларининг қийматли қоғозларга йўналтирилган суғурта заҳираларидан тушган фоизлар;

N – техник суғурта захираларининг ўсими.

Нобозор хизматларнинг чиқарилиши фойдаланиш (жорий) харажатларнинг йиғиндиси сифатида топилади. Бу йиғинди – оралиқ истеъмоли учун товарлар ва хизматлар харидига харажатлар, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар, асосий капитал (асосий фондлар)ни истеъмоли билан боғлиқ харажат йиғиндисидан иборат. Таъкидлаганимиздек, ялпи қўшилган қиймат – ялпи ички маҳсулотнинг асосий бирикмасидир.



**Ялпи қўшилган қиймат** — ялпи чиқариш билан оралиқ истеъмоли ўртасидаги фарқ сифатида келиб чиқади.

Оралиқ истеъмоли эса хўжалик субъектларининг (жорий яратувчилиги мақсадлари учун моддий инвестиция қилинмаган) ресурслар сотиб олиш харажатларидан иборат. Агар жами чиқарилишдан (иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича) оралиқ истеъмолининг умумий ҳажмини чегириб ташланса буткул иқтисодиёт учун ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи келиб чиқади. Бу кўрсаткич асосий нархларда кўрсатилгани боис, «пировард фойдаланиш баҳоларида ҳисобланган ялпи ички маҳсулотни аниқлаш учун ялпи қўшилган қиймат ҳажмидан маҳсулот ва хизматларга берилган субсидиялар чегирилиб, маҳсулот ва хизматларга солиқлар қўшилади. Ички ва ташқи бозорлардан экспорт ва импорт қилинган маҳсулотлар ва хизматлар қийматларининг фарқи - миллий ҳисоблар тизими бўйича давлат ихтиёридаги ташқи савдо ташкилотлари томонидан давлат бюджетига ўтказилиб импортга соф солиқлар сифатида пировард фойдаланиш баҳо-ларига киритилади.

### **3.3. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни тақсимот усули бўйича ҳисоблашни**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) тақсимот усули бўйича таркибан ишлаб чиқариш бирликлари-резидентлар томонидан тақсимланган қуйидаги бирламчи даромадлардан: яъни ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақларидан, импортга ва ишлаб чиқаришга соф солиқлардан (импортга ва ишлаб чиқаришга солиқлардан импорт ва ишлаб чиқаришга субсидиялар чегирилади), ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромадлардан ташкил топади.

Жумладан: ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақлари ёлловчи ёки иш берувчининг ёлланувчига ҳисобот давридаги бажарган иши учун тўлаши лозим бўлган пул ёки натура шаклидаги рағбатини билдиради. У икки унсурдан ҳосил бўлади:

- иш ҳақидан
- ёлловчининг ижтимоий суғуртага ажратмасидан.

**Иш ҳақи** молиялаштирилиш манбаи ва таннарх ёки фойда ҳисобига тўланишидан қатъий назар пул ёки натура шаклида тўланган барча турдаги ҳақлардан ҳамда турли мукофотлар, устамалар, бундан ташқари, қонунларга асосан сарфланмаган иш

вақти (меҳнат таътиллари, байрам кунлари ва ҳоказо) учун ҳисобланган ҳақларни ўз ичига олади.

Иш ҳақи ёлланма ходимлардан ундириладиган солиқлар ва тушумларни чиқармасдан ҳисобланади.

**Ижтимоий суғурта** деб — ижтимоий нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлганлар учун ишга ёлловчилар томонидан ажратилган маблағлар тушунилади. Ижтимоий суғуртага ажратмалар икки турга: ҳақиқий яъни аҳолини ижтимоий суғурталашни ташкил қилишда ишга ёлловчилар томонидан тўланган ва шартли равишда ҳисобланган яъни ижтимоий нафақага тенглаштирилган тарзда корхоналар томонидан ўзларининг ходимларига, собиқ ходимларга ёки нафақага ҳақдор собиқ ходимларнинг қарамоғидагиларга белгиланганларга бўлинади.

Ижтимоий суғуртага ёлловчилар томонидан ҳақиқий ажратмаларга ижтимоий суғуртанинг барча турларидаги иш ҳақи фондига ажратмалари киритилади.

Буларга яна барча ходимлар учун тегишли тиббий ёрдамни кўрсатадиган соғлиқни сақлаш идоралари ҳамда поликлиникаларига оқдндан келишувлар ёки шартномалар бўйича тиббий суғуртага мажбурий ажратмалар, шунингдек хизмат харажатларини қоплаш даражасидаги тўловлар киради. Ижтимоий суғуртага шартли ҳисобланган ажратмалар деганда — амалга ёлловчиларнинг амалда жорий даврдаги ҳақиқий тўланган ижтимоий суғурталари (меҳнат шартномасини тўхталиши туфайли ишдан чиқиб кетиш нафақаси, пенсияга устамалар, корхоналар томонидан ўқишга юборилган талабалар ва ўқувчиларга стипендиялар) тушунилади.

**Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар** — бу қайтарилмайдиган текин мажбурий тўловлар бўлиб, давлат бошқаруви идораларининг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлиги ёки товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда импорти учун ишлаб чиқариш бирликларидан ундирмаларидир. Уларнинг дастлабки турларига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) акцизлар, сотишга солиқлар, оборот солиғи, хизматнинг айрим турларига солиқлар, назорат қилувчи монополияларнинг фойдаси, импортга ва экспортга солиқлар, божхона тўловлари яъни божлар киради. Навбатдагисига эса ишчи кучи ёки ишлаб чиқариш воситаларига, ерга солиқлар киритилади.

**Ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар** — текин, қайтарилмайдиган жорий тўловлардан иборат бўлиб, маълум даражадаги иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш

учун корхоналарга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарганлиги, товарлар ва хизматлар импорти билан шуғулланганлиги, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланганлиги билан боғлиқ давлат томонидан тўловлардан иборат.

Булар қаторига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун белги-ланган сотиш нархлари ўртача ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлиши туфайли ёки махсус шахслар (ўсмирлар, ногирон-лар) контингенти меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ тўловлар сабабли кўрилган зарарларининг мунтазам қопламалари киритилади.

**Ялпи фойда (ялпи аралаш даромад)** — ялпи қўшилган қийматни бир қисми сифатида ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақлари ҳамда ишлаб чиқаришга ва импортга солиқларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни чегириш туфайли ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида қолган улуши тушунилади. Кўриб ўтилаётган кўрсаткич фойда ёки зарарни мулкдан даромадлар аниқлангунча ҳисобланади.

Ялпи аралаш даромад эса аҳолининг кичик тадбиркорлик турлари орқали ўзларини шахсий ёрдамчи хўжаликларидан олган даромадларни билдиради. Ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад баланс усули ёрдамида аниқланади. Ялпи ички маҳсулотнинг бундай усулда аниқланиши қўшимча характерга эга.

**Миллий даромад (МД)**ни тақсимот усули орқали ҳисоблаш, кўрсатиб утилган бирламчи даромадларни йиғиш билан амалга оширилади. Бу ерда фақат асосий фондларнинг истеъмоли (амортизацияси) ҳамда хориждан бирламчи даромадлар тушуми салдосига фойда ва аралаш даромадлар бўйича ўзгартириш киритилади.

#### **3.4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни пировард фойдаланиш усули орқали ҳисобланиши**

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)**ни пировард фойдаланиш усули бўйича ҳисоблашда қуйидаги унсурлар: товар ва хизматларни пировард истеъмоли, ялпи жамғариш, экспорт-импорт ва хизматлар салдоси йиғилади.

**Товарлар ва хизматларнинг пировард истеъмоли** уй хўжаликлари — резидентларнинг истеъмол товарлари ва хизматларига сарфлари, шунингдек, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи умумдавлат бошқаруви (бюджет ташкилотлари) ва

нотижорат ташкилотларининг шахсий ва жамоа истеъмоли учун товарлар ва хизматларга сарфлари тушунилади.

**Уй хўжалиklarининг пировард истеъмоли учун сарфлари:**

- 1) Истеъмол товарлари ва хизматлари харидига сарфлар;
- 2) Натура шаклидаги, иш ҳақи ва совғалар шаклида олинган товарлар ва хизматлар истеъмоли;
- 3) Уй хўжалиklари томонидан шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган товарлар;
- 4) Турар жойда яшаётгани учун хизматлар ва уй хизматларига тўловларидан иборат бўлади.

**Уй хўжалиklarига хизмат кўрсатувчи давлат бошқаруви — идоралари** (бюджет ташкилотлари) ва нотижорат ташкилотларининг **пировард истеъмолга сарфлари** қуйидагилардан ташкил топади:

1. Юқорида келтирилган институционал бирликларнинг фаолиятлари натижаси бўлган — чиқарилиш;
2. Мазкур муассасаларнинг бозор нархлари бўйича товар ва хизматлар сотишдан тушумлари ҳамда истеъмолчиларнинг уларни қисман қоплашларидан тушумлари (айирилади);
3. Мазкур ташкилотларнинг уй хўжалиklarига бепул ёки имтиёзли нархларда беришга мўлжалланган истеъмол товарлари ва хизматлар қиймати (қўшилади);
4. Ижтимоий суғурта бўйича давлат фондлари ҳисобига товарлар ва хизматлар хариди (автомобиллар сотиб олиш қийматини қоплаш учун ногиронларга қопламалар ва бошқалар) учун уй хўжалиklари сарфларига қопламалар (қўшилади).

Ким томонидан товарлар ва хизматларни ҳақиқий истеъмол қилиниши нуқтаи назаридан пировард истеъмолни тавсифлашда ҳақиқий пировард истеъмол кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Буткул иқтисодиёт учун ҳақиқий пировард истеъмол — ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи тариқасида намоён бўладиган институционал бирликларнинг (уй хўжалиklarига хизмат кўрсатувчи умумдавлат бошқаруви ва нотижорат ташкилотлари) пировард истеъмолига сарфлари йиғиндисига тенг.

**Ялпи жамғарилиш** резидент-бирликлар томонидан жорий даврда ишлаб чиқарилиб (аммо истеъмол қилинмаган) товарлар ва хизматларнинг соф хариди (сотиб олинганларидан чиқиб кетганлари чегирилади) сифатида тасаввур қилинади. Ялпи жамғарилишга асосий капитал (асосий фондлар)нинг ял-

пи жамғарилишини, моддий оборот маблағлари ғамламаларининг ўзгаришлари, моддий қийматларнинг соф хариди (саноатда ишлатиш учун мўлжалланган, олтин ва қимматли тошлар, заргарлик буюмлари, ноёб буюмлар, кол-лекциялардан ташқари қийматини сақлаб туриш мақсадида со-тиб олинган предметлар яъни қимматбаҳо металллар ва тошлар) кабилар киради.

**Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши** — мавжуд ва янги чиқиб кетган асосий фондлардан ташқари активлар харидидир. Активлар хариди эса натура шаклида капитал трансфертларни олиш, бартер яъни алмаштириш, харид қилиш, ўзида ишлатиш учун асосий фондлар ишлаб чиқариш, уларни капитал (пулли) таъмирлаш ва шу кабилардан иборат бўлади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига яна ишлаб чиқарилмаган активларнинг яхшилашга харажатлар ва ишлаб чиқарилмаган активлардан мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ сарфлар (ерлар, ер қатламлари, патентлар, лицензиялар ва бошқалар) ҳам кўшилади. Моддий оборот маблағлари ғамламаларининг ўзгаришларига ишлаб чиқариш ғамламаларининг ўзгариши, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиқлари ўзгаришлари, сотиш учун ёки такро-рий савдога чиқариш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот қолдигини ўзгаришлари киради.

Моддий оборот маблағлари ғамламалари қийматларининг ўзгаришларини аниқлашда ғамламага қўйилган маҳсулотлар тушуми билан уларни ғамлама учун ажратиб олинганлари ўртасидаги фарқ сифатида (бу ерда ғамламага тушаётган ва ғамлама учун ажратиб олинаётган вақтида бозор баҳоларини тадбиқ этиш) ҳисоб юритиш тавсия қилинади.

**Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти салдосига** маз-кур мамлакатнинг бошқа барча мамлакатлар билан экспорт-импорт операциялари киради.

Товарларнинг экспорти ва импорти деб мамлакат чегараси ёки доирасидаги чиқарилган ва олиб кирилган қийматлар ту-шунилади. Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) доирасидаги мак-роиқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун экспорт ва импорт ҳажми қийматининг баҳолашида ФОБ нархлари (экспортининг франко-чегараси) қўлланилади. Товарлар экс-порти ва импортига миллий ҳисоблар тизимида халқаро иқтисодий фаолиятлар статистикасида ҳисобга олинаётган то-варларнинг экспорти ва импортидан ташқари, совға-салом,

ҳада каби бепул (беминнат) ёрдам тариқасидаги товарлар ҳам қўшилади. Хизматлар экспорти ва импорти таркибига транспорт хизматлари, саёҳат, коммуникация хизматлари, қурилиш, суғурта, компьютер ва ахборот-хизматлари, бухгалтерия ҳисоби ва бошқариш бўйича маслаҳатлар киритилади.

**Миллий даромад** — кўрсатилган барча унсурларнинг йиғиндиси сифатида топилиб фақатгина жамғарилиш софлик асосида (яъни ялпи жамғарилишдан асосий фондларнинг истеъмоли чегирилади) аниқланади, бунга хориждан келиб тушган бирламчи даромадлар салдоси ҳам қўшилади.

### **3.5. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни ҳисоблашда талаб этиладиган статистик ахборот манбаалари**

Статистик кузатишнинг мазмуни ва қоидалари бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида жузъий ўзгаргани боис макроиқтисодий ҳисоб-китобларнинг ахборот манбаи ҳам ўзгаради.

Миллий ҳисоблар тизимининг биринчи блокадаги тажрибавий ҳисоб-китоблар босқичида (80 ва 90 йилларга тўғри келади) халқ хўжалик баланси тузилиши учун ислоҳотларгача бўлган даврларда фойдаланилган чиқарилиш ва харажатларни тавсифловчи статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари кўрсаткичлари ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Миллий ҳисоб тизими (МХТ)нинг йиғма кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ахборотларнинг бевосита манбаалари бўлиб қуйидагилар хизмат қилди:

- 1) Саноатнинг тармоқлари бўйича маҳсулот, иш билан банд бўлганлар ва корхоналар сони ҳақидаги ҳисоботлар;
- 2) Саноат маҳсулотининг таннархи тўғрисидаги ҳисобот;
- 3) Қишлоқ хўжалик корхоналарининг йиллик ҳисоботлари, қишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) Капитал қурилишнинг тармоқлари бўйича капитал қўйилмаларнинг ҳажми ҳақидаги статистик маълумотлар;
- 5) Пудрат-қурилиш ташкилотларининг қурилиш-тиркаш ишлари ҳақидаги ҳисоботлари;

6) Геологик-қидирув ишларининг таннархи ҳақидаги туоботлар;

7) Шахсий турар-жой (уйлар)ни ишга тушурилиши ҳақидаги ҳисоботлар;

8) Ҳар йили ўтказиладиган ҳайвонлар рўйхати маълумотлари;

9) Турар-жой фонди ҳақида ҳисобот;

10) Турар-жой хўжалиklarининг даромадлари ва харажатлари ҳақидаги ҳисоботлари;

11) Чакана товар обороти ва пуллик хизматлар кўрстаиш ҳақида савдо ташкилотларининг маълумотлари;

12) Шаҳар (деҳқон) бозорларидаги сотилган маҳсулотлар ва баҳолар тўғрисидаги ҳисоботлар;

13) Ишчи ва хизматчиларнинг мукофотлари, тақдирланиши, моддий рағбатлантириш фондлари ҳамда иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш) фондлари тўғрисидаги ҳисоботлар;

14) Кооперативлар (ширкатлар) сони уларнинг фаолиятларининг турлари бўйича асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботлар;

15) Уй-хўжалиklари бўйича бюджет тадқиқотлари ҳақидаги маълумотлар.

Макроиқтисодий ҳисобот-китобларни амалга оширишда корхоналар фойдасидан фойдаланиш, ижтимоий тўловлар (хўжалик субъектлари бўйича) корхоналар молияси статистикасини кенг ўрганилиши зарурияти ҳам туғилади.

Мамлакат статистикаси амалиётига миллий ҳисоблар тизimini тадбиқ қилиш дастурларини кенг тарғиб қилишда тармоқ статистикаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан: иқтисодиётнинг молиявий секторлари хизматлари, нобозор хизматлар, маориф, даромадларнинг бирламчи ва иккиламчи (такрорий) тақсимланиши, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича кўрсаткичлар қуйидагилар асосида бажарилади:

— давлат бюджетининг ижроси (харажатларни йўналиши, солиқлар, субсидиялар, бошқа тўловлар) ҳақидаги ҳисобот;

— давлат суғуртасининг асосий фаолияти (суғурта тўловлари, суғурта қопламалари ва жорий харажатлар ҳақидаги маълумотлар) тўғрисидаги ҳисоботлар;

— давлат банкининг йиғма ҳисоботи (банкларнинг тўланган фоизлар, тўлов ҳақида олинган хизматлари ва жорий харажатлари ҳақидаги маълумотлар);

— ижтимоий суғурта бюджетининг бажарилиши (давола-ниш, дам олиш йўлланмалари, умумсоғломлаштириш маскан-лари, санаторийларни амалда ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотлар) тўғрисидаги ҳисоботлар;

— товарлар ва хизматларни экспорти ва импорти тўғрисидаги ахборотлардир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаш-тириш жараёнларини жадаллик билан ривожланиши, расмий-лаштирилган ва расмийлаштирилмаган бир қатор корхоналар: жумладан, кичик ва ўрта бизнес (тадбиркорлик)га асосланган хўжалик бирликларини келиб чиқиши, ҳисобга олинмаган (яширин) иқтисодиётни шаклланиши қатор фаолият турлари бўйича маълумотлар таркибларини ҳам ўзгартириб юборди. Шу боис, ахборотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш орқали стати-стик таҳлил қилишда янги-янги усуллардан фойдаланиш тақазо этилади.

Миллий ҳисоботлар тизими (МХТ), асосий ҳисобларини ва ялпи ички маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқишда қўлланилаётган амалдаги ички ва ташқи маълумотлар манбааларига: корхона-лар ва ташкилотларнинг умумдавлат регистри; корхоналарнинг ҳисоблари; рўйхатга олиш ва кузатувлар киради.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг умумдавлат регистри (КТУДР)**, статистик кузатишлардаги умумий ёки оммавий ҳисоботлардан, нооммавий ва қисман ўтказилган кузатишлар тўғрисидаги ҳисоботга ўтиш шароитларида энг кам миқдордаги информация (ахборотлар) олиш инструменти сифатида тушу-нилади. Ҳар бир бирлик бўйича жойлашган ҳолати, қайси тар-моққа кириши, бир неча майда-майда бўлимлардан ташкил топган корхоналар учун асосий корхонага оид маълумотлар келтирилади.

Умумдавлат регистри иқтисодий рўйхатлар ва танлама тадқиқотлар учун асос (база) бўлиб хизмат қилади. Охиргиси айниқса алоҳида-алоҳида ва тезкор ахборот олишда, шунин-



гдек, кичик тадбиркорлик ва яширин иқтисодиётни тафсифловчи маълумотлар тўплашда ўта муҳимдир.

**Корхоналар ҳисоботи** — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий ҳисоблар тизимини бошқа муҳим кўрсаткичларини ҳисоблашда муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, у корхоналарнинг молиявий фаолиятларини акс эттирувчи кўрсаткичларни маркази саналади. Бу аввало маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш, молиявий фаолиятнинг айрим йирик гуруҳлари (кичик тадбиркорлик шакллари: яъни кичик бизнес, банклар, фермерлик, бюджет ташкилотларидан ташқари корхона ва ташкилотларнинг катта гуруҳлари бўйича) ҳақидаги ҳисоботлардир. Корхона ҳисоботлари — макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда ахборотнинг асосий пойдеворидир (бу ерда қамраб олиш доираси — моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги ва номолиявий пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар, ўрта ва йирик корхоналардир).

**Идора статистикаси** (маъмурий манбаалар) — давлат бошқаруви маҳкамалари, марказий банк, ҳисоботлари, божхона статистикаси ва бошқа турли идоралар статистикасидан ташкил топади. Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги маълумотлар умумдавлат бошқаруви муассасаларига кўрсатилаётган нобозор хизматлар қийматини ҳисоблашда фойдаланилади.

Марказий банк ҳисоботи эса пул агрегатлари ҳақидаги ахборотларни, банк секторининг фаолиятлари, тўлов баланси статистикаси ҳақида батафсил маълумот беради. Ахборотларнинг сўнгги икки бўлаги ялпи ички маҳсулотни ва унинг бошқа турларини (масалан, «Молиявий муассасалар», «Ташқи олам») ҳисоблашда қўлланилади. Божхона статистикаси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш усуллари орқали ҳисоблашда экспорт-импорт операциялари бўйича муҳим ахборот манбаа сифатида хизмат қилади.

**Божхона статистикаси** учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб ташқи савдодаги товарлар экспорти-импорти бўйича тўлдирилган декларациялар рол ўйнайди.

**Солиқ статистикасининг маълумотлари** — асосий кичик институционал бирликлар (ҳуқуқий ва жисмоний)нинг турлари

бўйича қўшилган қийматни ҳисоблашда қўлланилади. Пуллик хизматлар ҳажми ҳақидаги тавсифлар, солиқ идоралари маълумотлар, хизматлар ҳақидаги билвосита ахборотларга асосланган эксперт баҳолари (масалан, ҳуқуқшунослар сони, мактабгача ёшдаги болалар сони, маиший тармоқдаги ускуналар, қурилиш материаллари таъминоти ҳажми ва ҳоказолар)дан олинади.

Статистика амалиётига миллий ҳисоблар тизимининг тадбиқ қилиниши ва иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар статистик кўрсаткичларни тубдан ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқаради. Статистик кузатишнинг янги-янги объектлари (биржалар, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари, давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари ва шу кабилар)ни вужудга келиши янги-янги тадқиқотлар (жамоат ташкилотларини ҳар йилдаги рўйхатлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариши ва таъминотидаги харажатлар таркибини йилда бир маротаба тадқиқ қилиш, йирик саноат корхоналарида ғамламалар ҳажмини ўзгаришларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар, асосий фаолият ҳисобланмаган савдо тури билан шуғулланувчи чакана савдо корхоналарнинг рўйхати ва ҳоказо)ни ўтказилишини тақозо этади. Шундай қилиб миллий ҳисоб тизимини амалга ошириш, жумладан ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳисоблаш жорий статистикада қўлланиладиган ахборотларнинг яхлитлантирилиши, тадқиқ қилиниши натижасида — келажакда эса иқтисодий рўйхатлар тизими базасида ўтказилади.

### Назорат саволлари

1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичини Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) мафкурасида пировард ижтимоий маҳсулот сифатида кўришнинг боиси нима?

2. Макроиқтисодий кўрсаткичларни келтириб чиқаришда резидентлик концепцияси яъни йўналишининг ялпи ички маҳсулот шарҳидан (худудий қоидаларга биноан) фарқи нимада?

3. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмини уч хил усул билан аниқлаш заруриятини нималарга боғлай оласиз?

4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ҳисоблашда ишлаб чиқариш усули фойдасига талқин қилиниши мумкин бўлган асослар нимада?

5. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида чиқарилиш кўрсаткичини аниқлашдаги хусусиятлар нималарда намоён бўлади?

6. Резидент-бирликларнинг ялпивилик асосида ҳисобланган бирламчи даромадларини йиғиндиси ялпи ички маҳсулотни келтириб чиқаришини асослай оласизми?

7. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ҳисоблаб чиқаришда зарур бўлган ахборот манбаларини жузъий ўзгаришлари нимада деб биласиз?

## **IV БОБ. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ) ВА ЯЛПИ МИЛЛИЙ ДАРОМАД (МД) ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАРАҚҚИЁТИ**

### **4.1. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) доирасида макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ривожлантиришда тармоқлараро баланс (ТАБ) ва унинг роли**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) макроиқтисодий ҳисоб-китоблар тизимини тараққиётида миллий ҳисоб тизими (МҲТ) услубияти бўйича тармоқлараро балансларни ишлаб чиқиш алоҳида ўрин эгаллайди. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)даги **тармоқлараро баланс (ТАБ)** миллий ҳисоб тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

У ўз навбатида даромадларнинг ишлаб чиқарилиши, шаклланиши, товарлар ва хизматлар ҳисобларини деталлаштириш, яъни алоҳида бўлақларига бўлиб кўрсатиш билан бирга иқтисодиётнинг ҳозирги даврдаги ривожланиш босқичлари бўйича содир бўлаётган жараёнларни, МҲТ асосий кўрсаткичларининг тизимли ҳисобларини қай даражада бажаришни акс эттиради. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги ўзаро боғланишларни таҳлил қилиш билан бирга, уларнинг етакчи иқтисодий нисбатларини аниқлаш ва иқтисодиётдаги баҳо шаклланиши хусусиятлари ҳамда таркибий силжишларини ўрганади.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)даги тармоқлараро баланс (ТАБ) шакли айнан статистик моделга мос келиши билан уч асосий қисм (квадрант)ни ажратади. **1-квадрант — оралиқ истеъмолини, 2-квадрант — пировард маҳсулотни, 3-квадрант — қўшилган қийматни акс эттиради.**

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) тармоқлараро балансининг шакли қуйидаги кўринишда бўлади:

Чикарилиш (Ч)  Харажатлар		Оралиқ истеъмоли (ОИ)	Пировард ёки якуний фойдаланиш (ПФ)			Жами фойдаланилган
		Иқтисодиёт тармоқлари	Пировард истеъмол (ПИ)	Ялпи жамғарилиш (ЯЖ)	Экспорт (Э)	
Оралиқ харажатлари(ОХ)	Тармоқлар	1-квadrant	2-квadrant			
Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)		3-квadrant	X	X	X	
Импорт			X	X	X	
Жами ресурслар						

«Шахмат жадвали» қабалидаги 1-квadrantда иқтисодиётдаги оралиқ истеъмол (ОИ) кўрсатилади. Бунда тармоқлар ўртасидаги миқдорий боғланишлар намоён бўлади. 1-квadrantнинг эга ва кесим қисмларида (ТАБ тармоқларидаги) маҳсулотлар ва хизматларнинг бир турли гуруҳлари келтирилган. Жадвалнинг устунларида ҳар бир тармоқ бўйича маҳсулот, иш, хизматлар (хом ашё ва материаллар, ёқилғи, ёнилғи, хизматларнинг қийматлари)га қилинган харажатлар кўрсатилган бўлса, унинг ҳар бир сатрларида иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасидаги маҳсулотларнинг тақсимланиши кўрсатилади.

2-квadrantнинг сатрлари бўйича товарлар ва хизматларнинг пировард истеъмоли кўрсатилса, устунлари-пировард фойдаланиш категориялари яъни тоифаларини: пировард истеъмол (уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи давлат бошқарув идоралари, нотижорат ташкилотларнинг истеъмол учун сарфлари); ялпи жамғарилиш (асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий оборот маблағлари ғамламаларининг ўзгариши, қийматларнинг соф хариди); товарлар ва хизматлар экспортини кўрсатади. 3-квadrantда эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг қийматли тузилмаси яъни структураси кўрсатилади. Устунлари иқтисодиётнинг тармоқларига тўғри келса, сатрлари — ялпи ички маҳсулотни асосий қийматли унсурлари (ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақлари, ялпи фойда, ялпи аралаш даромад, ишлаб чиқариш билан боғлиқ солиқлар ва субсидиялар, асосий

капиталнинг истеъмоли, маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар)ни кўрсатади.

Баланс маълумотларини тик чизиқ яъни устун бўйича қараганда, иқтисодиёт тармоқларининг ялпи чиқарилишининг қиймат таркиби ҳар бир қисмда оралиқ истеъмолининг унсурлари (1-квадрант) ва қўшилган қиймат (3-квадрант) бўйича кесими яққол акс этади. Ялпи чиқарилиш ва импорт йиғиндиситармоқлар ресурсларининг қийматли тавсифини беради.

Баланснинг ётиқ чизиқ бўйича кўрсаткичлари ҳар бир тармоқ маҳсулотидан фойдаланиш йўналишлари, жумладан, ишлаб чиқариш мақсадларига (тармоқларга бўлган ҳолда), пировард истеъмол учун, экспорт ва жамғаришни ташкил қилиш учун йўналтирилади.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи учун ишлатилган ёки фойдаланилган ресурсларнинг умумий ҳажми кўзланган ёки ихтиёрдаги ресурсларнинг умумий ҳажмига тенг бўлади. Тармоқлараро баланс (ТАБ) асосан «соф» тармоқлар бўйича тузилиб улар ўз навбатида бир хил турдаги маҳсулотлар ва хизматларнинг тўпламини ифодалайди. Тармоқлараро баланс (ТАБ)ни ишлаб чиқилиши «Товарлар ва хизматлар ресурслари» ҳамда «Товарлар ва хизматлардан фойдаланиш» жадвалларини тузишга олиб келади. Бу хил турдаги жадваллар тармоқлараро баланс учун статистик маълумотлар манбаи сифатида ўртадаги босқич тариқасида хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда уларнинг ҳар бири мустақил аҳамият касб этиб, ишлаб чиқариш тузилмаси, ресурсларнинг шаклланиши, ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари, тармоқлар маҳсулотининг қиймати таркибини таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

Кейинги талқинлар осонроқ тушунарли бўлиши учун икки жадвал яъни «товар ва хизматлар ресурслари», ҳамда «Товарлар ва хизматлардан фойдаланиш» жадвалларни келтирамыз.

## Товарлар ва хизматлар ресурслари

Кўрсаткичлар	Харидорлар баҳоси бўйича жами ресурслар	Савдо-транспорт устамаси	Маҳсулотга солиқлар	Маҳсулотга субсидиялар	Асосий баҳоларда жами ресурслар	Асосий баҳоларда тармоқлар чиқарилиши		Иқтисодиёт бўйича жами	Импорт бўйича тўғрилаш СИФ/ ФОБ	Импорт
						Бозорли	Бозорсиз			
						тармоқ	тармоқ			
Товарлар ва хизматлар (маҳсулотларнинг барча гуруҳи бўйича) импорт бўйича ўзгартириш (СИФ/ФОБ резидентларнинг хориждаги хариди)										

## Товар ва хизматлардан фойдаланиш

Кўрсаткичлар	Харидорлар баҳоларида жами фойдаланиш	Тармоқларнинг оралиқ истеъмоли		Иқтисодиёт бўйича жами	Пировард истеъмол учун сарфлар	Ялпи жамғарилиш	Экспорт
		Бозорли	Бозорсиз				
		тармоқ	тармоқ				
Товарлар ва хизматлар (маҳсулот гуруҳлари бўйича) хориждан резидентларнинг бевосита хариди. Норезидентларнинг ички бозордаги бевосита хариди. Харидорларнинг баҳолари бўйича жами фойдаланиш		I квадрант			II квадрант		
Жами ялпи қўшилган қиймат	X	III квадрант					
Жами чиқарилиш	X						

«Товарлар ва хизматлар ресурслари» жадвали — товарлар ва хизматлар ресурсларининг миллий ишлаб чиқариши, импорт ҳисобига ҳамда пировард истеъмолдаги асосий унсурлар баҳоларининг шаклланишини кўрсатади.

Асосий баҳолар бўйича ифодаланган тармоқлар бўйича чиқарилишнинг умумий натижаси ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблашдаги услубларга асосан аниқланади. Товарлар ва хизматлар гуруҳи бўйича ишлаб чиқариш таркибини акс эттирилишида жадвалнинг эга қисми бир хил турдаги маҳсулотлар гуруҳини, кесим қисми эса махсус тармоқлар тақсимотини амалга ошириш учун қўлланиладиган таснифлагич — классификаторга асосан тармоқларни кўрсатади. Жадвалнинг катакчаларида иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми кўрсатилади. Жадвалнинг сатрлари — жами маҳсулотлар гуруҳи бўйича умумий ишлаб чиқариш ҳажмини тавсифласа, (масалан «соф» тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш) жадвал катакчаларида — иқтисодиёт тармоқларидаги умумий ишлаб чиқариш ҳажми (масалан, «хўжалик» тармоқларидаги умумий ишлаб чиқариш ҳажми) кўрсатилади. Жадвалнинг диогонал чизиғи масофасида мазкур тармоқдаги корхоналар ихтисосига мос ҳолдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўрсатилади. Корхоналар ихтисосига мос келадиган маҳсулотлар ҳажми билан «хўжалик» тармоқларидаги маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбат орқали мазкур тармоқдаги корхоналарнинг ихтисослашиш даражаси кўрсатилади.

«Товарлар ва хизматлардан фойдаланиш» жадвали (жадвалга қаранг)да товарлар ва хизматлардаги харажатларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуддир. Мазкур жадвалнинг шакли тармоқлараро баланснинг шаклига ўхшаш бўлиб бунда уч квадрант яъни пировард истеъмол (I) пировард фойдаланиш (II) ва қўшилган қийматнинг унсурлари (III) ажратиб кўрсатилади. Ушбу жадвалнинг тармоқлараро баланс жадвалларидан фарқи шуки I квадрантнинг катакчаларида тармоққа оид ва тармоққа оид бўлмаган маҳсулотлар учун умумий харажатлар кўрсатилади. Тармоқлараро баланснинг I квадранти эса «маҳсулотга маҳсулот», фойдаланиш жадвалида — «тармоққа маҳсулот» қойдаси асосида тузилади. Тармоқлараро балансда ҳар бир «соф» тармоқ (I ва II квадрант катакчалари йиғиндиси)даги кўзланган ёки ихтиёрдаги ресурслар ҳажми мазкур тармоқнинг фойдаланган ресурслари ҳажмига (I ва II квадрантлар катакчаларининг йиғиндиси) тенгдир.



«Товарлар ва хизматлардан фойдаланиш» жадвали тармоқлараро баланс жадвалларидан фарқли ўлароқ бирламчи статистик ахборотлардан фойдаланиш жиҳатидан устивор имкониятларга эгадир.

Маълумки Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)да товарлар ва хизматларга баҳо беришда нархнинг уч хил туридан яъни ишлаб чиқарувчи баҳосидан, асосий баҳолардан ва харидорнинг баҳосидан фойдаланилади. Бундай баҳолар ўртасида тегишли боғланиш мавжуддир.

Жумладан, харидорнинг баҳосидан транспорт-савдо устамаси, қўшилган қийматга солиқ, импортга солиқлар чегирилса ишлаб чиқарувчининг баҳоси келиб чиқади. Агар бу баҳодан маҳсулотга солиқлар чегирилиб, маҳсулотга субсидиялар қўшилса асосий баҳо ҳосил бўлади.

Тармоқлараро балансни шакллантиришда аралаш баҳолардан фойдаланилади. Оралиқ истеъмоли эса қўшилган қийматга солиқлар ҳисобланмасдан харидорлар нархи билан (пировард истеъмол бўйича) ўлчанади. Бошқача сўз билан соддароқ ифода қилинса, корхоналар ва ташкилотларнинг товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган жорий харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилган ҳақиқий қийматлари ҳажмида кўрсатилиб, бунга яна савдо, моддий-техника таъминоти, тайёрлов тармоқлари устамалари, қўшилган қиймат солиғидан чегирилмайдиган транспорт сарфлари ва импортга солиқлар қўшилади.

Товарлар ва хизматлардан пировард фойдаланишни (экспортдан ташқари) баҳолашда қўшилган қийматга солиқни инобатга олган ҳолда харидор нархларидан фойдаланилади. Товар ва хизматлар экспорти Марказий банкнинг курси бўйича долларга ўгирилган тарзда миллий валютани курсига асосан жорий ташқи савдо баҳоларида ўлчанади. Назорат йиғиндиси сифатида фойдаланилаётган тармоқларнинг ялпи чиқарилиши асосий нархларда (маҳсулотга солиқларсиз маҳсулотга субсидияларни қўшган ҳолда) баҳоланади.

Маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича тузиладиган тармоқлараро баланс учун ахборотлар манбаи бўлиб, барча иқтисодий тармоқларининг ҳўжалик субъектларини иқтисодий фаолияти натижалари бўйича ўтказиладиган бир маротабалик танланма кузатишлар ҳисобланади.

Ташкилий-ҳуқуқий ҳамда мулк шаклларида қатъий назар (қўшма корхоналардан ташқари) хўжалик ҳисобида турувчи, мустақил балансга эга бўлган ва ҳуқуқий шахслар ҳисобланган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тадқиқотга тортиладилар. Иқтисодиёт тармоқларидаги ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби бўйича ўтказиладиган тадқиқотларда корхона ва ташкилотларни танлаш услуби уларнинг ўзига хос хусусиятларга асосланади. Саноат тармоқлари, фан ва транспорт бўйича корхоналар танлаш марказлашган тартибда олиб борилса, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, муомала тармоқлари сфераси, номоддий хизматлар ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича танлаш ҳудудий-бошқарув статистикаси орқали марказлашмаган тартибда амалга оширилади.

#### **4.2. Оралиқ истеъмоли кўрсаткичларини ҳисоблаш (I квадрант)**

Миллий ҳисоблар тизими услубияти бўйича тармоқлараро баланснинг I квадрантида акс эттирилган оралиқ истеъмолига ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ ва бир маротаба фойдаланиладиган товарлар ва хизматларни ҳамда харбий аснолар, ускуналар (корабллар, самолётлар, танклар, ракета мосламалари ва хоказо) харид қилиш учун сарфларни киритади.

Тармоқлараро баланс (ТАБ)даги оралиқ истеъмоли таркибига корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланган (савдо транспорт устамасини ҳам қўшиб) харажатларнинг ҳақиқий қиймати ҳажмини ифода этувчи товарлар ва хизматлар хариди учун бўлган сарфлар киради. Оралиқ истеъмолига узоқ муддат фойдаланиш учун мўлжалланган (харбий техникадан ташқари) предметлар хариди учун қилинган сарфлар киритилмайди. Сабаби, Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) тамойилига кўра улар асосий капитал таркибига кирадилар. Давлат бошқаруви идоралари ва нотижорат ташкилотларидаги нобозор тармоқлар учун оралиқ истеъмоли амалдаги истеъмол товарлари савдосининг салдосига (ёки харид қилиш салдосига ортади) камаяди.

Оралиқ истеъмоли қуйидаги унсурлардан иборатдир:

1) Иқтисодий бирликнинг давр мобайнидаги истеъмол қилган товарлари;

2) Мазкур давр мобайнида харид қилинган хизматлар (бунга: ер, бинолар, бошқа асосий капитал ва номоддий активлар

учун эгалик қилиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ хизматлар кирмайди, сабаби, бундай хизматларни жамғариш учун мўлжалланган товарлар бўйича савдо ва транспорт хизматларининг ялпи жамғарилиши деб тушунилади);

3) шахсий (яъни ўзининг) истеъмоли учун мўлжалланган товарлар ва бозор хизматлари;

4) Тармоқлар ўртасида тақсимланмаган, аммо уларнинг барчаси айрим шартли бирликлар учун оралиқ истеъмоли деб қаралган, банкларнинг шартли равишда ҳисобланган маҳсулотлари. Банкларнинг шартли равишда ҳисобланган маҳсулотлари — молиявий воситачилик қилувчи ва молиявий ресурсларни йиғиш, ўтказиш, тақсимлаш билан шуғулланувчи молиявий муассасалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Бу кўрсаткич — молиявий муассасаларнинг ўзига тегишли маблағларини инвестиция қилишдан олган (кредиторлар томонидан тўланган фондлардан ташқари) мулк бўйича даромадлар миқдоридир;

5) Хизмат сафари харажатлари;

6) Ваколатчилик сарфлари;

7) Иш учун уй хўжаликлари томонидан асбоб-ускуналар, махсус кийим-кечаклар (масалан коржомалар ва ҳоказо) харид қилиш;

8) Уй хўжаликлари учун нобозор хизматлари кўрсатиш мақсадида давлат бошқаруви идораларининг товарлар ва хизматлар хариди (уй хўжаликларига натура шаклида ижтимоий таъминот бўйича нафақалардан ташқари);

9) Майда асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёт қисмлар (ёки асосий воситалар) хариди;

10) Ижарага олинган биноларга ижара тўловлари ҳамда бошқа асосий фондларни вақтинча фойдаланганлиги (прокат) учун тўловлар;

11) Бозорни тадқиқ қилиш, илмий лойиҳалар, реклама ва бошқалар учун тўловлар;

12) Ҳарбий маҳкамалар томонидан узоқ муддатли хизмат қиладиган товарлар сотиб олиш ва шу кабилар.

Оралиқ истеъмолига қуйидагилар киритилмайди:

а) Давлат бошқаруви идораларининг ҳарбийлар учун озиқ-овқатлар ва ҳарбий кийим-кечак сотиб олиши (агар улар илгари уй хўжаликларининг шартли равишда пировард истеъмоли сифатида оралиқ истеъмолига киритилса).

б) иқтисодиёт тармоқларининг шахсий турар-жойларни ҳамда машина ва ускуналарни пуллик таъмирлаш (капитал ремонт), такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлари;

в) капитал характердаги товарлар, ерларга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ сарфлар;

г) ерлардан ва номоддий фондлардан фойдаланганлиги учун тўланган ижара ҳақлари;

д) нефт ва табиий газ қазиб олиш мақсадларида иқтисодиётнинг турли тармоқлари томонидан амалга оширилган геологик-қидирув ишлари. Ҳудуқларни ишлатиш учун кавлаш ишларини, бажаришга сарфланган ресурслар қиймати.

Тармоқлараро баланс (ТАБ)да алоҳида ажратилишича, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлар таркибини аниқлаш I квадрант кўрсаткичларини амалда қандай ҳисобланиши мумкинлигини билдиради. I квадрантнинг сатрлари (маҳсулотларни тақсимлаш) ҳар бир устунларни тўлдирилгандан сўнггина ташкил топади.

#### **4.3. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)даги ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг унсурлари сифатида пировард истеъмол кўрсаткичи ва уни ҳисоблаш**

II квадрантда товарлар ва хизматларнинг пировард ишлатилиши, ялпи жамғарилиш ва экспорт кўрсатилади.

МҲТ тармоқлараро баланс (ТАБ)да пировард истеъмол учун «сарфларни ким молиялаштиради» шартига кўра гуруҳлаштирилиб, унга қуйидагилар бўйича пировард истеъмол учун сарфлар киритилади:

- уй хўжалиklarининг,
- давлат бошқаруви идораларининг,
- уй хўжалиklarига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг сарфлари:

Жумладан: уй хўжалиklarининг пировард истеъмоли сарфлари аҳолини индивидуал ёки шахсий бюджети ҳисобидан моддий неъматлар ва хизматлар (номоддий хизматларни ҳам қўшиб) истеъмолини тузилмасини яъни структурасини тавсифлайди.

Улар ўз ичига:

- шахсий бюджет ҳисобидан бозорли истеъмол товарлари харид қилиш учун сарфларни (уйлар, турар жой хоналари сотиб олишдан ташқари узоқ муддатли фойдаланилганлари ҳам);

- бозорли истеъмол хизматлари харидига сарфларни;
- уй хўжаликларига натура шаклида товар тушумларини;
- шахсий турар-жойда яшаши бўйича ҳисобланган шартли қийматни киритади.

**Шахсий бюджет ҳисобига бозорли истеъмол товарлари харидига сарфлар:**

- давлат ва кооператив савдонинг кичик корхоналар ва турли ширкатлардан ёки кооперативлардан истеъмол товарлари (уйлар, квартиралар, қийматлардан ташқари) сотиб олишни;
- бозордан истеъмол товарларини сотиб олишни;
- шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардан истеъмол товарлари сотиб олишни;
- норасмий савдодан соф харидларни киритади.

Уй хўжаликлари томонидан бозорли истеъмол товарлари хариди учун сарфларга қуйидаги ҳақи тўланган хизматлар киритади:

- маиший;
- коммунал;
- маданий муассасалар;
- саёхат ва экскурсия;
- жисмоний маданият ва спорт;
- тиббий;
- соғлиқни тиклаш ва соғломлаштириш;
- ветеринария;
- ҳуқуқшунослик йўналишидаги;
- маориф тизими ва бошқалар.

Бозорли истеъмол товарлари ва хизматлари харидига сарфлар таркибини аниқлашда қўлланиладиган ахборот манбааларининг турлича бўлишини назарда тутиб бу йўналишлар бўйича ҳисобкитоб алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Ханузга қадар, аҳолининг товарлар харидига сарфлари таркиби ва унинг ҳажми ҳақидаги асосий ахборот манбаи бўлиб савдо статистикасининг товар обороти тўғрисидаги маълумотлари қабул қилинган.

Иқтисодий мазмуни нуқтаи назаридан бундай таркибни аниқлашда ҳаққонийроқ ва нуфузли ахборот манбаи бўлиб аҳоли бюджетини тадқиқ қилиш орқали олинган маълумотлар ҳисобланади, чунки бу маълумотлар бевосита уй хўжаликларидан олинган бўлганлиги туфайли чакана савдо ташкилотларидан сотиб олинган товарларни қўшмайди (масалан: чакана савдо орқали ишхона учун мебеллар ва жиҳозлар сотиб олиш). Шу билан бир қаторда бюджет тадқиқотлари на-

тижасидаги маълумотларда айрим нуқсонларни ҳам кўриш мумкин (жумладан: бюджет тадқиқотлари ўта сердаромад ва ўта кам даромад гуруҳлар томонидан истеъмол қилинган маҳсулотлар ва хизматларни инобатга олмайди). Бу ҳолат тармоқлараро баланснинг қисмлари учун зарур бўлган маълумотлар (истеъмол қилинган маҳсулотнинг таркиби каби) олиш имконини бермайди. Истеъмол қилинаётган айрим турдаги маҳсулотлар (масалан: тамаки, спиртли ичимликлар) камроқ қилиб кўрсатилса баъзи бирлари яъни узоқ муддат фойдаланиш буюмлари, (уйлар, енгил машиналар, бутланган мебеллар ва ҳоказо) кўпроқ қилиб кўрсатилиш ҳоллари учрайди.

Шунинг учун, тармоқлараро баланс номенклатураси (рўйхати)га биноан уй хўжаликлари томонидан истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар таркиби бюджет маълумотлари бўйича муқобил (яъни альтернатив) тарзда аниқланади.

Давлат бошқаруви муассасаларининг пировард истеъмолига сарфлар қуйидагилар фойдасига тақсимланади:

- шахсий уй хўжаликларига;
- жамиятга умуман.

Давлат бошқарув муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари қуйидагиларни киритади:

— якка ва жамоа истеъмоли учун ушбу муассасалар томонидан кўрсатилган нобозор хизматларнинг қиймати;

— кўрсатилган муассасалар томонидан уй хўжаликларига бепул (ёки имтиёзли нархларда) бериш учун сотиб олинган истеъмол товарлари ва хизматларнинг қиймати (жамоа хизматлари — барча жамоат аъзоларига кўрсатилаётган хизматлардан ташкил топади).

Давлат томонидан кўрсатилаётган жамоа хизматлари — авваламбор хавфсизликни таъминлаш ва мудофаадан ҳамда қонун ва тартибга итоат қилиш, давлат сиёсатларини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва шу кабилардан иборат бўлади.

Тармоқлараро балансда жамоа эҳтиёжларини қондиришга қаратилган давлат бошқаруви муассасаларининг пировард истеъмоли учун сарфларни тармоқлар бўйича «Бошқарув», «Фан ва илмий хизмат», «Қишлоқ хўжалик хизматлари», «Транспорт», «Турар жой коммунал хўжалик»ларда акс эттиради.

Жамоа бўйича хизматларга:

- Мудофаа ва қуролли кучлар;

— Давлат ҳокимияти идоралари, бошқарув, ҳуқуқ-тарғибот идоралари, бюджетдан ташқари фондлар (жамғармалар) томонидан давлат бошқарувини ташкил қилиш;

— Фан ва илмий хизмат;

— Йўл хўжалиги (ер ости йўллари, кўприклар, йўллар ва бошқа иншоотларни таъмирлаш ва уларни яроқлигини таъминлаш);

— ободонлаштириш, шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш бўйича коммунал хўжалик;

— қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар (зоотехника, ветеринария, агротехника хизматлари, суғориш ва намини қуритиш тизими яъни ирригация ва мелиорация усулларини ташкил қилиш) бўйича хизматлар киради.

«Давлат бошқаруви идоралари» сектори бўйича «Ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш» ҳисобидаги маълумотлар юқоридагилар учун асосий ҳисобланади.

Якка тартибда кўрсатилган хизматлар — уй хўжаликлари томонидан истеъмол қилиниб, уй хўжаликлари аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилади.

Давлат бошқаруви муассасалари томонидан амалга оширилаётган якка (индивидуал) хизматлар ўз таркибига тиббиёт, халқ маорифи, маданият ва санъат, жисмоний маданият ва спорт, ижтимоий таъминот, турар-жой, коммунал хизматларининг айрим қисмларини киритади. Якка ёки индивидуал эҳтиёжларни қондириш бўйича давлат бошқаруви муассасаларининг пировард истеъмолига сарфлари, нобозор хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ сарфларнигина киритади. Бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган жами хизматларнинг қийматидан товарлар ва хизматлар «тасодиқий савдоси» (бу хилдаги «савдо»га мактабгача тарбия муассасаларида мактаб-интернатларда тарбияланаётган болалар таъминоти бўйича айрим тушумлар, квартиралар учун берилган ҳужжат-ордер учун йиғимлар, аҳоли яшайдиган жойларни йиғиштириш, саришта-лаш учун йиғимлар киради) чегириб ташланади.

Давлат муассасаларининг уй хўжаликларига бериш учун товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфлари; ўқувчилар учун дарсликлар сотиб олиш, ногиронлар учун транспорт хизмат ҳақлари тўловлари бепул (ёки имтиёзли нархларда) доридармонлар сотиб олиш учун сарфлардан иборат бўлади.

Тармоқлараро баланс (ТАБ)да давлат бошқаруви муассасаларининг пировард истеъмолига сарфлари тармоқлар бўйича (якка ёки индивидуал) эҳтиёжларни қондиришни акс эттиради.

«Халқ маорифи» — таълим соҳасидаги нобозор хизматлар ҳажмидан ташкил топади.

«Тиббиёт ва ижтимоий таъминот» — мазкур соҳалардаги нобозор хизматлар учун сарфларни билдиради. «Маданият ва санъат, жисмоний маданият ва спорт» ўз навбатида ушбу соҳалар бўйича нобозор хизматларнинг умумий ҳажмига оид сарфларни кўрсатади.

«Турар-жой — коммунал хўжалик» — умумий ҳажми нобозор хизматларнинг турар-жой — коммунал ва шуларга бевосита тармоқлардаги қийматлари учун сарфларни ифодалайди. Ушбу маълумотлар «Давлат бошқаруви идоралари» сектори бўйича «Ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш» ҳисобига асосан олинади.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмолига сарфлар қуйидаги қийматларни:

— ушбу ташкилотлар томонидан уй хўжаликларига кўрсатилган нобозор хизматлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар, аёллар ташкилотлари, диний ташкилотлар, ихтиёрий уюшмалар, меҳр-мурувват ташкилотлари ва шу қабилар);

— уй хўжаликларига бериш учун нотижорат ташкилотлари томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар;

— ўзининг ходимларига корхоналар ва ташкилотлар томонидан бепул кўрсатилган ижтимоий-маданий хизматларни киритади.

Нотижорат ташкилотларининг уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш бўйича пировард истеъмолига сарфлари шартли равишда якка ёки индивидуал истеъмомга киритилади.

#### **4.4. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)ни Тармоқлараро баланси (ТАБ)да ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) унсури сифатида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичи ва уни ҳисоблаш**

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши деб, бир йилдан ортиқ ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам ёки кўп марта қатнашган моддий ва номоддий активлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши тушунилади. Бунга яна ишлаб чиқарилмаган активларнинг ўсиши ҳам қўшилади.



Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

— ишлаб чиқарилган асосий капитал (янгиси ва амалдагиси)нинг сотиб олинганларидан (чиқиб кетганлари эса чегири-либ);

— амалда ҳаракатланаётган асосий капиталнинг ҳолатини яхшилаш;

— ишлаб чиқарилмаган моддий активлар (ерни ҳам қўшиб)ни ҳолатини яхшилаш;

— ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмаган активларга мулк ҳуқуқи бериш билан боғлиқ сарфлар.

**Асосий капиталнинг жамғарилиши ялпилик** асосида, яъни асосий капиталнинг истеъмоли (тузиши)ни чегиргунга қадар аниқланади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши таркибига қуйидагилар киритилмайди:

— майда асбоблар, ишчи кийим, эҳтиёт қисмлар, кам қийматли ускуналар (ҳатто улар бир йилдан ортиқ хизмат қилсалар ҳам; чунки улар ўз хусусиятига кўра оралиқ истеъмо-лига қўшилади);

— ўзининг эҳтиёжи учун уй хўжаликлари томонидан сотиб олинган узоқ муддат хизмат қилувчи истеъмол товарлари (улар уй хўжалиқларининг пировард истеъмолига киритилади);

— ҳарбий техника сотиб олиш (чунки бу — оралиқ ис-теъмолга киритилади);

— табиий ўрмонлар, фойдали қазилмалар, ерлар ва бошқалар.

Асосий фондларни ялпи жамғарилиш мақсадида сотиб олинганлари қўшилган қиймат солиғисиз харидорнинг баҳоларида ифодаланса, хўжалик усули ёрдамида ишлаб чиқарилган асосий фондлар — асосий нархларда баҳоланади.

Асосий капиталнинг жамғарилиши икки гуруҳга яъни мод-дий асосий капиталнинг жамғарилишига ва номоддий асосий капиталнинг жамғарилишига бўлинади.

**Жумладан, Моддий асосий капиталга** қуйидагилар:

— бинолар ва иншоотлар;

— машиналар ва ускуналар;

— ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;

— кўп йиллик ўсимликлар киради.

**Номоддий асосий капиталга:**

— геологик-қидирув ва бурғулаш ишларига харажатлар;

— электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ)ни дастурий таъминотига харажатлар;

— фан, санъат ва адабиёт асарлари ва бошқаларини асл нусхалари;

— бошқа номоддий асосий капиталлар киради.

Ишлаб чиқарилмаган активлар ўз таркибига ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, аммо ўзи ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланган активларни киритади. Буларга ерлар, ер қатламлари, биологик ва сув ресурслари, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, савдо белгилари киради. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини умумий миқдори (назорат йиғиндиси) капитал билан операциялар ҳисобидан олинади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишинг умумий миқдори ва унинг таркиби тўғрисидаги асосий ахборотлар манбаи бўлиб, «Асосий фондларнинг ишга туширилиши тўғрисидаги ва капитал қўйилмалардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот» шакл №2-кс (йиллик) ҳамда «Қўшма ва хорижий корхоналар тўғрисидаги ҳисобот» шакл №1-8эс, «кичик корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги» ҳисобот, шакл 1-МП ва бошқалар ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар таркибига:

— қурилиш-тиклаш ишларига харажатлар;

— инвентар, асбоб-ускуна жиҳозлар сотиб олиш;

— лойиҳа-изланиш, геологик-қидирув ва бургулаш ишлари;

— бошқа капитал ишлари ҳамда харажатлар киради.

Асосий капиталнинг чиқиб кетиши асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини камайтиради. Иқтисодиёт бўйича умуман, у асосий капиталга даҳлдор бўлган сотилган ва «Ташқи олам» (норезидентларга)га берилган миқдорида аниқланади. Бундай маълумотлар тўлов балансидан олинади. Тузилганлиги ва эскирганлиги учун ҳамда тасодифий тўқнашишлар (авариялар), улкан ҳалокатлар, табиий офатлар туфайли асосий капиталнинг чиқиб кетиши миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг тармоқлараро баланси(ТАБ)да ҳисобга олинмайди. Бухгалтерия ҳисоби услубиятига бўйича капитал қўйилмалар таркибига асосий капитал қиймати ўсишига олиб келмайдиган (янги қурилаётган объектлар учун кадрлар тайёрлаш, қурилишни тўхтатиб қўйиш, қурилаётган янги иншоотлар ҳудудига тўғри келиб қолган фуқароларнинг тузар жойларини бузиш ва уларга иморат қуриш мақсадида алоҳида ажратилган жойлар учун қилинган) харажатлар киради. Буларга шунингдек, капитал

қурилишига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган кам қийматли ва тез тузидиган буюмлар, эҳтиёт қисмлар қийматлари ҳам киради. Ялпи жамғарилишни ҳисоблаш жараёнида бу харажат моддалари капитал қўйилмалар ҳажмидан чегириб турилиши зарур.

Ускуналар иккига яъни тиркашни талаб этувчи ва уни талаб этмайдиган ускуналарга бўлинади. Буларнинг ичида тиркаш талаб этувчи ускуналарга пойдеворга, таянч устунларига, полга ва бошқа муҳим қисмларга бириктирилган ёки тўла йиғилган ҳолатлардагина ишга туширилган ускуналар киритилади.

Тиркаш талаб этмайдиган ускуналарга бинонинг асосий яъни муҳим қисмларига бириктирилиши ёки тўла йиғилиши талаб этилмайдиган ускуналар киради. Капитал қўйилмалар ҳажмига сотиб олингандан сўнг ёки корхона ихтиёрига тушгандан сўнг тиркаш талаб этилмайдиган ускуналар учун харажатлар киради.

Тиркаш талаб этиладиган ускуналар учун қилинган харажатлар уларни тиркашга тайёрлангандан ёки тиркаш иши бошлангандан сўнггина капитал қўйилмалар таркибига қўшиладилар. Шу боис, асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини ҳисоблашда капитал қўйилмалар ускуналар, асбоблар, инвентарлар қаторига капитал қурилиш омборларида сақланаётган тиркашни талаб этувчи ускуналар миқдорини ҳам қўшиб амалга оширилади. Ускуналар, асбоблар, инвентарларга капитал қўйилмалар бюджет таснифининг 12 моддаси бўйича молиялаштириладиган ва бюджет ташкилотлари, муассасалари (мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари ва ҳоказо) орқали бажариладиган ускуна ва инвентарлар сотиб олиш харажатлари қўшилмайди. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини ҳисоблашда бундай миқдорлар ускуналар, асбоблар ва инвентарлар сотиб олиш харажатларига қўшилмоғи керак.

Капитал қўйилмалар таркибига асосий подани ташкил қилиш қўшилмайди, шу боис асосий пода қийматининг ўзгариши асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини ҳисоблашда эътиборга олинishi зарур. Булардан ташқари, капитал қўйилмалар таркибига давлат бюджетининг операцион сарфлари ҳисобига бажариладиган геологик-қидирув ва бурғулаш ишлари учун сарфларни ҳам киритилмайди. Бундай харажат турлари ҳам асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига қўшилади. Шу билан бир вақтда миллий ҳисоблар тизими (МХТ) услубиятига биноан асосий капиталнинг ялпи

жамғарилишига тармоқни ялпи чиқарилиши таркиби сифатида ер қатламлари, геология ва қидирув геодезия ва гидрометеорология хизматлари, фойдали қазилмаларни қидириш билан боғлиқ ишлар, атроф муҳитни ифлослантириш даражаси ҳақидаги гидрометеорологик ахборотлар тайёрлаш ишлари ҳам қўшиб ҳисобланади. Бу турдаги ишлар учун қилинган сарфлар оралиқ истеъмоли таркибида акс эттирилганлиги боис, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиш унсури (элементи) сифатида кўрилмайди. Капитал қўйилмалар таркибига шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер участкаларини текислаш, тўнкаларни чиқариш, далаларни тош ва чимлардан тозалаш, ерларнинг юза (устки) қисмини техник маданий жиҳатдан яхшилаш учун қилинган харажатлар ҳам қўшилади.

Таъкидлаб ўтилганидек, капитал қўйилмалар ҳажмига давлат бюджети бўйича операцион маблағлар ҳисобига ерларни яхшилаш харажатлари қўшилмайди. Чунки, бу каби харажатларни «қурилиш» тармоғи бўйича асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қўшиб ҳисоблайди. Асосий воситаларнинг капитал таъмирлаш харажатлари фақатгина асосий фондларнинг хизмат муддатларини узайтириш, уларнинг ҳолатини кескин яхшилаш ҳамда уларни тўла алмаштириш жараёнини чўзиш имкониятлари яратилгандагина қўшилади.

Асосий фондларнинг капитал таъмирлаш харажатлари ҳақидаги маълумотлар манбаи бўлиб, йиллик ҳисоботнинг 1-шакл «Асосий фондларнинг ва объектларнинг ишга тушириш ва капитал қўйилмалардан фойдаланиш» тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Бинолар ва иншоотларнинг капитал таъмирлаш «қурилиш» тармоғига (лойиҳалаш ва изланиш ишларидан ташқари) киритилади.

Машина ва ускуналарни капитал таъмирлаш ишлари ҳажмини тақсимлаш (тармоқлараро баланс (ТАБ) рўйхати бўйича) тармоқлар ялпи чиқарилишининг таркибига асосан амалга оширилади. Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) дастурий таъминоти, фан, санъат, адабиёт соҳаларидаги асарлар учун харажатлар номоддий активларни сотиб олишга йўналтирилган харажатлар сифатида тушунилади. Номоддий активлар асосий капиталнинг ялпи жамғарилишида уларни фойдаланиш учун яроқли ҳисобланган даражага келтирилган ҳолатни шакллантириш учун харажатлар йиғиндиси сифатида кўрилади.

Ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмаган активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ сарфлар (бунга во-

ситачиларни, адвокатларни, брокерларни рағбатлантириш учун йиғимлар ҳам қўшилади) ҳамда солиқлар, экспертлар ёрдамида ҳисоботнинг 033-сатри «Асосий воситаларнинг бошқа турлари»га асосан аниқланади ва тармоқлараро баланс (ТАБ) қисмлари бўйича, «Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар», «Техник ишлаб чиқариш мақсадларидаги машиналар ва ускуналарни ижарага бериш» ва «Бошқарув хизматлари» тармоқлари ялпи чиқарилиши таркиби бўйича тақсимланади. Асосий капиталнинг чиқиб кетиши, асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини асосий фондларнинг тугатилиши билан боғлиқ моддий қийматлар баҳоларини йиғиндиси (уйлар ва бошқа материаллар) миқдорига камайтиради. Бу кўрсаткич асосий фондларнинг қолдиқ ва амортизацияга тортилмаган тарздаги тугатилиш қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Тугатилаётган фондларнинг қолдиқ қийматлари тўғрисидаги маълумотлар амортизация (ёки эскириши) ҳисобга олинмай, тузилган асосий фондлар баланси ҳақидаги йиллик ҳисоботлардан олинади. Тугатилаётган асосий фондларнинг амортизацияга тортилмаган қисмини қиймати тугатилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидаги салмоғига биноан ҳисобланади. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг қисмлари бўйича тақсимланиши «Асосий воситаларнинг таркиби тўғрисидаги ҳисобот» (шакл №11) асосида амалга оширилиб, асосий фонднинг ҳар бир тури бўйича йилнинг охирига мавжуд бўлган асосий фондлар кўрсаткичларидан йил бошланишига бўлган асосий фондларни кўрсаткичларини чегирилиши натижасида ҳосил қилинади. Тармоқлараро баланс (ТАБ)ни фонд шакллантирувчи қисмлари бўйича инвентарлар, асбоблар ва ускуналарга капитал қўйилмалар тақсимоти учун йиллик ҳисоботнинг асосий фондлар таркиби тўғрисидаги 11-шаклидан фойдаланилади.

#### **4.5. Миллий ҳисоблар тизими(МҲТ)ни тармоқлараро баланс (ТАБ)да ялпи ички маҳсулотни унсури (компоненти) сифатида моддий оборот маблағлари ғамламалари ўзгаришларини ҳисоблаш**

Моддий айланма маблағларнинг ғамламалари деб, ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида бўлган, аммо ҳам уларни қайта иш-лашга, сотишга ёки бошқа бирликларга етказиб беришга улгурилмаган маҳсулотлар ғамламалари тушунилади. Буларга яна

ишлаб чиқарувчилар ихтиёридаги бироқ бошқа бирликлардан сотиб олинган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришда истеъмол қилишга ёки тақрорий сотишга мўлжалланган ғамламалари киради. Моддий айланма маблағларига хом ашё, материаллар, ёқилғи, озуқа, уруғлик ва бошқа моддий қийматликлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ўзида тайёрланган яримфабрикатлар, тайёр бўлган товарлар ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар киради. Моддий айланма маблағлари ғамламаларининг ўзгариши уларни бирор бир ўрганилаётган давр учун йил охиридаги ҳажми билан йил бошланишидаги ҳажми ўртасидаги фарқ билан ўлчанади. Ўзгаришнинг умумий миқдори **капитал билан операциялар ҳисобида** ўз аксини топади. Моддий айланма маблағлари ғамламаларининг ўзгаришларини ҳисоблаш иқтисодиётнинг қуйидаги йирик тармоқлари бўйича гуруҳларда амалга оширилади:

— меҳнатга ҳақ тўлаш (ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмаларсиз);

— Ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар;

— Соф фойда;

— Соф аралаш даромад;

— Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар (+);

— Ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар (-);

— Асосий капиталнинг истеъмоли.

Иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат унсурларининг назорат йиғиндилари (натижалари) миллий ҳисоблар тизимидаги **даромадларнинг шаклланиши ҳисоби** орқали ҳисоблаб чиқилади.

Меҳнат ҳақи — ҳисобот даврида бажарилган меҳнат учун пул ёки натура шаклидаги рағбат сифатида тўланган қонунда кўрсатилган турли йиғимлар ва солиқлар чегирилмаган ҳолда ёзилган пул йиғимидир. Хорижий валюталарда ёзилган ҳақлар миллий банк томонидан эълон қилинган курс бўйича миллий валютага айлантириб кўрсатилади. Иш ҳақи мулк шаклларида қатъий назар барча тоифадаги хўжалик бирликлари бўйича ҳисобланади. Меҳнат ҳақи (ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмаларсиз) таркибига:

1) Пул шаклида:

— маълум бажарилган иш учун ишбай усулида тегишли тариф ставкалари, лавозим маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақлари ёки фойдадан улушлар, тушимдан фоизлар;

— рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар (ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар, йил давомидаги иш натижаларига қараб рағбатлар, кўп йиллик хизматлари учун рағбатлар, иш стажи, касб маҳорати учун белгиланган маошлар, тариф ставкаларига қўшимчалар ва ҳоказолар);

— меҳнат шароитлари ва иш тартиби билан боғлиқ қоплаш (тўлдириш) хусусиятига эга бўлган тўловлар (меҳнат ҳақини маҳаллий шароитга қараб ўзгартиришга оид тўловлар; яъни махсус шароитларда ишлаётгани учун устамалар, қурилиш, такомиллаштиришда ва капитал таъмирлашда банд бўлган ходимлар учун кўчиб юрувчи, жойни ўзгартириб туриш хусусиятидаги ишлар учун қўшимчалар, шунингдек, дала шароитини ҳисобга олиб, бериб туриладиган озиқ-овқатлар, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганликлари учун тўловлар);

— рағбат саналмайдиган ҳолатда ходимларга меҳнат эвазига тўланган ҳақлар (бу кўпинча ижтимоий таъминот бўйича нафақалар) ва айрим шароитлар мавжуд бўлган ҳолатларда корхоналар томонидан ёлланган якка ходимларга нисбатан қўлланилган тўловлар (ишлаётган пенсионерларга тўланган пенсиялар, ходим саломатлигига путур етган ҳолларда иш ҳақини қоплаш ва бошқа сарфлар);

— меҳнат шартномаси тўхтатилган ҳолатда ишдан чиқиб кетиш нафақаси;

— моддий ёрдам;

— корхона маблағи ҳисобидан стипендия ва бошқалар (бу каби тўловлар миллий ҳисоблар тизими (МХТ)да ижтимоий суғуртага шартли ажратмалар сифатида кўрилиб меҳнат ҳақи таркибига киритилади);

— қонуниятга асосан тўла ишланмаган (сарфланмаган) вақт учун тўловлар (масалан, йиллик ва қўшимча меҳнат таътили учун тўловлар, фойдаланилмаган таътил учун пул қопламаси, ишчи айби саналмаган ҳолатларда бекор ўтказилган иш вақти учун тўловлар, ўсмирлар учун белгиланган имтиёзли вақт яъни соатлар учун тўловлар);

— кунлик ёки суткалик ва кўчиш билан боғлиқ тўловлар;

— комиссия ёки фоизли рағбатлантириш;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш тизимига асосан ўқиётган ходимларга иш ҳақи;

— ходимга даҳли бўлмаган ҳолатда яроқсиз бўлиб қолган маҳсулот (иш, хизмат) учун ҳақлар;

— корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқитувчиларга тўланган меҳнат ҳақлари;

— корхонада махсус шартнома бўйича ишга жалб қилинган, бошқа корхоналардан ва ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинган ходимлар учун меҳнат ҳақлари;

— бир маротаба бажариладиган ишлар бўйича штатдан ташқари ходимларга тўланган ҳақлар;

— Ошхоналарда, тамалдихоналарда, сиҳатгоҳларда ходимларнинг овқатланиши, шунингдек мактабгача тарбия муассасаларида, санатория ва соғломлаштириш лагерлардаги болалар овқатланиши қийматларини ортиб ёки кўтарилиб кетиши билан боғлиқ қопламалар;

— ҳукумат қарорига асосан даромадлар индексациясига нисбатан баҳоларнинг янада ортиб кетиши туфайли тўланган қопламалар;

— уй хизматларига тўланган иш ҳақи;

— чой чақалар ва шу кабилар.

## 2) Натура шаклида:

— Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги ходимларга бепул кўрсатилган (қонуниятга биноан) коммунал хизматлар, овқатланиш, товарлар (шахсий таркибда қолиб кетадиган ихтисос ёки касб бўйича алоҳида шаклдаги махсус кийим-кечак) ёки камайтирилган нархларда товар сотиш билан боғлиқ имтиёзлар суммаси;

— корхоналар томонидан ходимларига бепул турар-жой билан таъминлаганлиги ёки бўлмаса бепул турар жой ҳамда коммунал хизматлар билан таъминлай олмаганлиги учун тўловлар бўйича сарфлар;

— корхона, ташкилот ҳисобидан ходимларга ва уларнинг болаларига сиҳатгоҳларда, касалхоналарда даволаниш учун ҳамда хордиқ чиқариш жойларига, саёҳат жойларига йўлланмалар олиб бериш учун тўловлар;

— транспорт ходимларига йўл кира ҳақи бўйича имтиёзлар қийматлари;

— тиббий суғуртага номажбурий ажратмалар;

— ходимнинг оила аъзоларини таътил ўтказиш жойига бориши ва қайтиб келиши билан боғлиқ кира ҳақларини тўлаш;

— тиббий идоралар билан тузилган шартномага кўра ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш, поликлиника хизматлари уюштириш, корхона маблағлари ҳисобига мактабгача тарбия



муассасаларида болаларни бўлиши бўйича тўловлар учун сарфлар;

— тиббий гуруҳларда, секцияларда, клубларда қатнашганликлари учун абонемент ҳақларини, шунингдек, газета ва журналларга обуна бўлиш, ҳаракатланувчи аъзоларни протезлаштириш кабилар учун тўловлар;

— ташкилот транспортида махсус йўналишларда, жамоат транспортларида иш жойига элтиб қўйиш бўйича тўловлар;

— ўзларининг ходимлари фойдасига корхона томонидан тuzилган шартномага биноан шахсий ва мулкый суғурта тўловлари ва ҳоказолар киради.

Натура шаклидаги рағбатлантиришлар — товарлар ва хизматлардан иборат бўлиб, иш учун зарур бўлмаган ва ёлланган ходимларнинг шахсий эҳтиёжларини ёки уй хўжалиги аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш бўйича фойдаланилади.

Иш берувчилар томонидан натура шаклида рағбатлар сифатида кўрсатилган товарлар ва хизматларнинг баҳоланиши қуйидаги тартибда амалга оширилади. Агар улар иш берувчилар томонидан харид қилинган бўлса харид баҳоларида ишлаб чиқарган бўлсалар ишлаб чиқариш баҳолари бўйича баҳоланади. Агар товар ва хизматлар ёлланган ходимларга бепул етказилса, иш ҳақиға уларнинг тўлиқ қийматлари киритилади. Агар улар имтиёзли (камайтирилган) нархларда етказилса, фақат уларнинг тўлиқ баҳоси билан пасайтирилган баҳоси ўртасидаги фарқ қўшилади.

Иш ҳақи ўз таркибига қуйидагиларни киритмайди:

— корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш манфаатлари йўлида қилган сарфлари, модомики улар ходимлар манфаатларига мос тушсаларда (улар оралиқ истеъмолга киритилади);

— сафар ҳаражатлари (меҳмонхоналарга етиб бориш, қайтиб келиш, яшаш хизматлари ҳам);

— берилган махсус кийимлар қиймати, ходимларнинг давланиши ва касалликларни олдини олиш билан боғлиқ тамаддилари, иш бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар сотиб олишни қоплаш;

— ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш билан боғлиқ сарфлар (сақланган иш ҳақи, ўқув таътиллари ҳақлари, стипендиялардан ташқари);

— хизмат эҳтиёжлари учун шахсий автомобиллардан фойдаланишга берилган қопламалар;

— боғдорчилик ширкатларини ободонлаштиришга сарфлар (умумий фойдаланишга молик йўллар қуриш, энергия ва сув таъминоти, мелиорация тадбирлари ва бошқалар), автомобил турар-жойлари яъни гаражлар қурилиши (корхоналар асосий капиталининг ялпи жамғарилишига қўшилганлари);

— корхона мулкидан омонатлар ва акциялар бўйича ходимларга тўланган даромадлар (дивидентлар, фоизлар), миллий ҳисоблар тизими (МХТ)да бу ҳолат мулкдан олинган даромадлар сифатида кўрсатилади;

— корхоналар ва ташкилотларнинг ижтимоий-маданий характерда хизмат кўрсатадиган мустақил бўлинмаларини амал қилиши учун қилинган сарфлар (масалан, миллий ҳисоблар тизими (МХТ)да уй хўжаликларига хизмат курсатувчи нотижорат ташкилотлари корхоналаридан жорий трансфертлар кўринишидаги хизматлар: турар жой коммунал хўжалик хизматлари, ташкилотлар касалхоналари, поликлиникалар, клублар, стадионлар хизматлари ва бошқалар).

**Ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар** (иш берувчиларнинг ижтимоий суғуртага ажратмалари) давлат ижтимоий суғуртаси учун корхоналар, ташкилотларнинг ички бадалларидан ташкил топади.

Бундай тўловлар аҳолига санатория ва курорт хизматлари, пенсиялар, нафақалар тўлаш учун асосий манбаа ҳисобланади. Бундай ажратмалар корхоналар ва ташкилотлар томонидан суғурта ташкилотларига бевосита қилинсада, ходимлар иш ҳақини бир қисми сифатида кейинчалик суғурта ташкилотларига ўтказилади.

Ишлаб чиқаришга солинган бошқа солиқлар — институционал бирликларнинг ишлаб чиқаришда қатнашганлиги туфайли тортиладиган солиқлари бўлиб, улар корхоналарни ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлиги, шунингдек, маълум фаолият ёки операцияларни амалга оширганлиги учун тўланади. Давлатнинг қуйидаги бюджетдан ташқари фондларидан ажратмалари; мажбурий тиббий суғурта, аҳолининг бандлиги, ижтимоий суғурта, пенсия ва шу кабилар ишлаб чиқаришга солиқ деб ҳисобланмайди. Улар ёлланма ходимлар меҳнат ҳақининг бир қисмини акс эттирадилар. Давлатнинг бюджетдан ташқари бошқа фондларга мажбурий тўловлар ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар сифатида кўрсатилади. Бу ерда айрим бюджетдан ташқари тўловларни имкони борича маҳсулот учун солиқлардан «тозалаш» керак бўлади. Масалан:

йўл фондларининг шаклланишига доир солиқлар таркибида ёқилғи-мойлаш материалларини сотишга солиқлар — маҳсулот учун солиқларга киритилса, автомобил йўлларида фойдаланиш бўйича солиқлар — ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар сифатида қаралади.

**Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар** деганда, одатда ер қатламлари ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун солиқлар, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан ундирайдиган ўрмон даромади, сув учун тўловлар шунингдек, минерал-хомашё базасини такрор ишлаб чиқаришга қилинган ажратмалар, илдиз ҳисобига дов-дарахт учун тўловлар, ўзлаштирилган ерларнинг ҳолатини янада яхшилаш учун тўловлар, давлатнинг бошқа бюджетдан ташқари фондларига мажбурий тўловлар тушунилади.

Юқорида номи кўрсатилган солиқлар йиллик статистик ҳисоботлар (масалан, шакл №5-3 «Маҳсулот ишлаб чиқаришга ва сотишга харажатлар тўғрисида»)да ўз аксини топиб, уларни иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича тақсимлаб чиқиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

**Саноатнинг «соф» тармоқлари** бўйича бундай солиқлар саноат соҳасидаги харажатларни биргаллик, яъни бир маротабалик тадқиқотлар-кузатишлар маълумотлари орқали тақсимланади.

**Ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар** деганда, институционал бирликлар-резидентларнинг ишлаб чиқаришда қатнашганлиги ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлиги учун олган субсидиялари тушунилади. Ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар даромадларни бирламчи тақсимланиши ҳисобига қилинган ҳисоб китоблар бўйича аниқланиб, миллий ҳисоблар тизими (МХТ) тармоқлараро баланси (ТАБ)нинг қисмлари орқали қуйидагича тарзда тақсимланади: қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хўжалик техникасини хариди бўйича энергия ресурслари ўрнини тўлдиришга қилинган харажатларни тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг «қишлоқ хўжалиги» тармоғига, ҳарбий ишлаб чиқариш конверсиясига (халқ эҳтиёжига молик товарлар ишлаб чиқариш) харажатлар тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг «Машинасозлик ва металлларни қайта ишлаш» бўлимига шартли равишда киритилади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва саноат бўйича ялпи фойда қолдиқ (салдо) усули орқали аниқланади:

**Ялпи қўшилган қиймат — Ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи —  
Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар + Ишлаб чиқаришга бошқа  
субсидиялар — Ялпи аралаш даромад**

Ялпи аралаш даромад деганда, уй хўжаликларига тегишли бўлган (шахсий ёрдамчи хўжалик, аҳолини хунармандчилик фаолиятлари) нокорпоратив корхоналар даромади тушунилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу кўрсаткич салдо усули ёрдамида, яъни тегишли тармоқлардаги уй хўжаликлари бўйича қўшилган қийматдан ишлаб чиқаришга бошқа солиқларни чегириш орқали аниқланади. Иқтисодиётнинг тармоқларида шаклланган аралаш даромадлар ишлаб чиқариш ҳисоби («Уй хўжалиги» сектори)га асосан аниқланади.

Асосий капиталнинг истеъмоли ТАБда ўртача йиллик қийматлари бўйича аниқланган асосий воситаларини йиллик эскириши (тўзиши) ҳажмида кўрсатилади.

Қўшилган қиймат ҳисоблаш услубияти миллий ҳисоблар тизими (МХТ) талабларига мос тушиши учун қиймат унсурларининг йиғиндисини молиявий воситачилар хизматларининг шартли ҳисобланган қиймати (улар чегирилади) миқдорига тўғрилаш талаб этилади. Ҳозирги даврда олинаётган ва тўланаётган кредитлар ва омонатлар бўйича фоизлар асосан молиявий воситачилар, айниқса банклар ҳиссасига тўғри келади. Бирқатор банкларнинг фоиз ставкалари базис (муқим) ставкасига нисбатан молиялаштирилади ва Марказий банк ставкаси ана шундай базис ставкаси бўлиб хизмат қилади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалари одатда базис ставкасига нисбатан юқорироқ белгиланса, омонат (жамғарма)лар бўйича фоиз ставкалари базис ставкасига нисбатан камроқ яъни пастроқ белгиланади. Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) қоидаларига кўра молиявий воситачиларга тушаётган ҳақиқий фоизлар ёки улар томонидан тўланаётган фоизлар мувофиқлаштирилган (яъни ўзгартириш киритилган) бўлиши лозим. Сабаби, молиявий воситалар хизматларига шартли тўловлар миқдори чиқариб ташланиши ёки қўшилмаслиги зарур. Жумладан, молиявий воситалар томонидан олинган фоиз суммалари базис фоиз ставкалари тадбиқ қилиниши ҳисобига олиниши мумкин бўлган фоиз миқдорига қисқартирилиши, шунингдек, молиявий воситачилар томонидан юқоридаги базис фоиз ставкалари қўлланиши туфайли тўланган фоиз ставкалари миқдорига кўтарилиши яъни кўпайиши талаб этилади. Базисли фоиз ставкаси бўйича тўланган фоиз суммаси билан ҳақиқий тўланган фоиз суммаси

ўртасидаги фарқ молиявий воситачилар хизматларига шартли ҳисобланган тўлов миқдорини билдиради. Тармоқлараро баланс (ТАБ)да молиявий воситачилар хизматларига шартли ҳисобланган тўловларни тақсимлаб чиқиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, бундай миқдор оралиқ истеъмоли билан «Молиявий воситачилар хизматларига шартли ҳисоблаган тўловлар» устуни ва «Молия, кредит, суғурта» сатрлари кесишган жойларда кўрсатилади. Қўшилган қийматни аниқлаш пайтида бу сумма «Молиявий воситачилар хизматларига шартли ҳисобланган тўловлар» устуни ва сатрларини кесишган жойга ўтказиб қўйилади. Йиғилган қўшилган қийматдан (иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат суммаси) ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га ўтиш учун маҳсулотга қўшилган соф солиқларни (маҳсулотга солиқлардан маҳсулотга субсидиялар чегирилади) ҳисобга олиш зарур. Маҳсулотга солиқлар — бу резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган, сотилган ёки импорт қилинган товарлар ва хизматлар қиймати ёки миқдорига мутаносиб равишда товар ва хизматлар бирлигидан ундириладиган солиқлардир.

Маҳсулотга солиқларга қуйидагилар киритилади:

- қўшилган қийматга солиқ (ҚҚС);
- айрим гуруҳлардаги ёки турлардаги товарларга акцизлар (енгил автомобиллар сотишдан акцизлар ҳам қўшилиб);
- ёқилғи-мойлаш материаллари сотишга солиқлар;
- автомобиллар, ҳисоблаш техникаси, шахсий компьютерларни такрорий сотишга солиқлар;
- товар (мол) биржаларида содир бўлаётган битим (ёки келишув)лардан йиғимлар;
- импортга солиқ;
- экспортга солиқ.

Иқтисодиёт бўйича жами маҳсулотларга солинган солиқларнинг умумий суммаси даромадларнинг бирламчи тақсимооти ҳисоби бўйича ҳисоб-китоблардан келиб чиқади. Саноат тармоқлари бўйича қўшилган қийматга солиқ-саноат маҳсулотининг пировард истеъмоли таркибига асосан тақсимланади (экспортсиз).

Саноат тармоқлари бўйича акцизлар Молия Вазирлигининг маълумотларига биноан тақсимланади. Ёқилғи-мойлаш материаллари сотишга солиқлар Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари каби тармоқлараро баланс (ТАБ) қисмларига, шунингдек, автомобиллар, ҳисоблаш техникаси ва шахсий компьютерларни такро-

рий сотишни ифодаловчи «Савдо» тармоғига киритилади. Товар биржаларидаги содир этилган келишув яъни битимлар бўйича йиғимлар тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг муҳим тармоқлари саналган «Савдо», «Моддий техника таъминоти ва чиқариш», «Тайёрлов» тармоқларига киритилади.

Экспортга солиқлар экспорт қилинган товарлар ва буюмлар божини (пошлинасини) ифода этади.

Импортга солиқлар — импорт учун бож тўловлари ва айрим турдаги товарларга қўшилган ички ва ташқи давлат нархлари (миллий валютага кўчириб ҳисобланган) ўртасидаги фарқлардан ҳосил бўладиган ва давлатнинг ташқи савдо ташкилотлари томонидан давлат бюджетига соф даромадлар таъриқасида тўлайдиган туловларидан иборатдир.

Иқтисодиёт ва саноатнинг тармоқлари бўйича экспорт ва импортга солиқлар 10-М-шакл «Корхонанинг молиявий фаолиятини асосий кўрсаткичлари ҳақидаги ҳисобот»нинг «Экспорт учун бож тўловлари», «Импорт учун бож тўловлари» қисмларидаги маълумотларга асосан ҳисобланади. Маҳсулотга субсидиялар ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар бирлигига тўланадиган субсидиялардан иборат. Тармоқлараро баланс (ТАБ) тармоқлари бўйича маҳсулотларга субсидиялар Молия вазирлигининг маълумотларига асосан тўланади.

Мазкур рисоланинг хотима қисмида шуни таъкидлаш жозизки, Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни макроиқтисодий ҳисобкитобларини миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) тармоқлараро баланс (ТАБ) базасида такомиллаштириш — товарлар таркиби оқимининг чуқур таҳлили учун имкон яратибгина қолмай, балки иқтисодий жаораённинг турли йўналишларидаги барча статистик маълумотлар тизимини мувозанатлилигини текшириш учун ҳам шароит яратади. Миллий ҳисоб тизимини статистика амалиётига тадбиқ қилиш орқали ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакллантирилиши шароитида умумдавлат ахборот тизимининг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мониторингини ташкил этиш тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг мувофиқлаштирувчи функциялари орқали намоён бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) доирасида тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг концептуал (илмий ривожлантириш) асослари нимадан иборат?

2. Тармоқлараро баланс кўрсаткичларини ҳисоблашда аרא-лаш баҳолардан фойдаланишнинг сабаби нима?

3. Уй хўжаликларининг пировард истеъмоли таркибидаги (тармоқлараро баланс учун) қуролли кучлар бўйича давлат бошқаруви идораларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳарбий кийим-кечак хариди масаласини ижобий ёки салбий эканли-гини далиллар билан исботлаб беринг.

4. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташки-лотларининг (шахсий истеъмолга шартли киритилган) пиро-вард истеъмолга сарфлари бўйича пировард истеъмол (тар-моқлараро балансдаги) кўрсаткичларини ҳисоблаш усулини кўрсатинг.

5. Эскирганлиги, тўзиши (ейилиши), ёки йирик ҳалокатлар, авариялар туфайли чиқиб кетган асосий капитал нега тар-моқлараро баланс (ТАБ)да ҳисобга олинмайди?

6. Миллий ҳисоблар тизими тармоқлараро балансдаги мод-дий айланма маблағлари ғамламаларининг ўзгаришлари қандай тартибда ҳисобланади?

7. Қўшилган қийматнинг якуний ҳисобини чиқариш учун Молиявий воситачилик хизматларининг шартли ҳисобланган миқдорига ўзгартиришлар киритиш нима учун зарур?

8. Миллий ҳисоблар тизими доирасида тармоқлараро баланс тузишнинг ахборот асоси қандай?

## Фойдаланилган адабиётлар

1. И. А. Каримов. Иқтисодий ислоҳот, масъулиятли босқич. Т.: «Ўзбекистон», 1994.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Ё. Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика. Т.: «Меҳнат», 1998.
5. Ё. Абдуллаев. Статистика умумий назарияси. Т.: «Меҳнат», 2000.
6. А. Ўлмасов. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Меҳнат», 1997.
7. К. Барроу. Основы страховой статистики СО Анкил, 1992.
8. Л. М. Гохберг. Финансирования науки в странах с переходной экономикой: Сопоставительный анализ. М.: Центр исследований и статистической науки, 1998.
9. Н. Е. Григорук. Статистика внешнеэкономических связей. М.: «Финансы и статистика», 1993.
10. Л. И. Абалкин и другие. Курс переходной экономики. Учебник. М.: «Финстатинформ», 1997.
11. И. Д. Масакова, В. Н. Петров, Б. Т. Рябушкин, Межотраслевой баланс в СНГ. М.: Госкомстат РФ, 1995.
12. Б. Т. Рябушкин Национальные счёта и экономические балансы. М.: «Финансы и статистика», 1999.
13. Статистика предприятий. Статистические очерки Т-2. Штутгарт: Метцлер – Пэшель, 1996.
14. Курс социально – экономической статистики. Подредакция. М. Г. Назарова Финстатинформ, М., 2000.



## МУНДАРИЖА

### I БОБ. Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) унинг таркиби ва мазмуни

1.1. Миллий ҳисоблар тизими ва унинг мазмуни.....	3
1.2. Миллий ҳисоблар тизимини шакллантиришдаги умумий шартлар (принциплар).....	6
1.3. Миллий ҳисоблар тизимида ички иқтисодийнинг йиғма ҳисоблари.....	10
1.4. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий натижалар кўрсаткичларининг тизими.....	13
1.5. Миллий ҳисоблар тизимини аналитик имкониятлари таҳлилининг асосий йўналишлари ва вазифалари.....	21

### II БОБ. Макроиқтисодий кўрсаткичлар статистикаси ва миллий ҳисоблар тизими

2.1. Маҳсулотлар ва даромадлар статистикасининг вазифалари, миллий ҳисоблар тизими билан алоқаси.....	28
2.2. Миллий хўжалик тармоқлари (секторлари)ни таснифлашда ҳамда қиймат кўрсаткичларини шакллантиришда миллий ҳисоб тизими қоидаларига амал қилиш.....	30
2.3. Макроиқтисодий кўрсаткичларни жорий баҳолардан доимий баҳоларга кўчириб ҳисоблаш.....	40

### III БОБ. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни ҳисоблаш усуллари

3.1. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларининг ҳисоблаш усуллари ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	44
3.2. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисоблаш.....	45
3.3. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни тақсимот усули бўйича ҳисобланиши.....	48
3.4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни пировард фойдаланиш усули орқали ҳисобланиши.....	50
3.5. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни ҳисоблашда талаб этиладиган статистик ахборотлар манбаалари..	53

**IV БОБ. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи миллий даромад (МД) ҳажмини аниқлашда макроиқтисодий ҳисоб-китоблар тизимини тараққиёти**

34.1. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) доирасида макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ривожлантиришда тармоқлараро баланс (ТАБ) ва уни роли.....	59
4.2. Оралиқ истеъмол кўрсаткичларини ҳисоблаш (I квадрант).....	65
4.3. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)даги ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва тармоқлараро баланс (ТАБ)нинг унсурлари сифатида пировард истеъмол кўрсаткичи ва уни ҳисоблаш.....	67
4.4. Миллий ҳисоб тизими (МҲТ)ни (ТАБ)сида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) унсури сифатида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичи ва уни ҳисоблаш.....	71
4.5. Миллий ҳисоб тизими (МҲТ)ни ТАБсидаги ялпи ички маҳсулот унсури (компоненти) сифатида моддий оборот маблағлари ғамламалари ўзгаришларини ҳисоблаш.....	76
Фойдаланилган адабиётлар.....	87





**АБДУРАУФ АБДУЛЛАЕВ, НАСРИДДИН УМАРОВ**

**МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ ВА  
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР  
СТАТИСТИКАСИ**

**Тошкент — «Молия» нашриёти — 2001**

Муҳаррир	<i>М. Миркомилев</i>
Техник муҳаррир	<i>А. Мойдинов</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>Ф. Караханова</i>

Босишга рухсат этилди 04.12.2001 й. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «TimesUz»  
ҳарфида терилди. Босма табағи 5,7. Нашриёт ҳисоб табағи 5,5.  
Адади 2000. Буюртма №284. Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент, Якуб Колас кўчаси, 16-уй.  
Шартнома №17—01 .

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Олмазор кўч. 171- уй.

